

ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАРНИ ОММАЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

РЕЖА;

КИРИШ.

I-БОБ. ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

- 1.1 Президентимиз И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод” Давлат дастурида ўқитувчилар олдига қўйилган вазифалар.**
- 1.2 Ўқув жараёнида илғор педагогик тажрибаларни тадбиқ этишининг ўзига хос хусусиятлари.**

II-БОБ. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ.

- 2.1 Педагогларнинг профессионал потенциални такомиллаштириш масалалари.**
- 2.2 Педагогларнинг инновацион фаолиятининг модели, унинг ривожланиш истиқболлари.**

ХУЛОСА.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

ИЛОВАЛАР.

*“Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш
хислатларини уйғота билган муаллим
шарафларга лойиқдир”*

Е. Хаббард.

КИРИШ

Маълумки, ҳар бир миллат тарих ва замон воқеаларининг фаол иштирокчисига айланар экан, унинг жаҳон цивилизацияси ёки мамлакатдаги мақеи ва обрў – эътибори доимо шу миллатнинг салоҳияти- ақлий, маънавий потенциалига боғлиқ бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, мамлакат келажаги унинг таълим тизимининг ривожланганлиги даражаси билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси мамлакатимизда таълим тизимининг ўзбек моделини белгилаб берувчи «таълим тўғрисидаги қонун» ва «кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида инсон омилига ғоят катта аҳамият берилган. Унда асосий эътибор билимдон, ижодкор, ҳақиқий касб эгаси бўлган шахсни тарбиялаб етказишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида; «фақатгина чинакам маърифатли одам инсон кадрини, миллат кадриятини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил жамиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўринни эгалаши учун фидоийлик билан курашиш мумкин»¹ – деб таъкидлаган эди.

Инсон омили билан боғлиқ миллий дастурнинг барча муҳим вазифаларини ҳал қилишда педагогика фани ғоят катта роль йўнайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ғояларини амалиётга тадбиқ этиш Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар муваффақиятини

И.А.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.Т – « Шарқ »1997й

таминлаш таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, ишлаб чиқариш усталарининг маънавий қиёфаси ҳамда касбий маҳоратларига ҳам боғлиқдир.

Шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб ва қийин фаолият жараёни бўлиб, жуда қадимдан ушбу фаолиятга жамиятнинг етук кишилари жалб этилгандур. Хусусан қадимги Греция ва Рим тарихидан яхши биламизки,

милоддан аввалги даврларда ҳам ёш авлод тарбияси ўзининг маънавий қиёфаси ва ақлий қобилияти билан жамият аъзолари ўртасида юксак ҳурмат – эҳтиромга сазовор бўлган кишилар донишмандлар зиммасига ишониб топширилгандир. Ушбу ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этилиши мазмуни нафакат шахс камолотини балки жамият тараққиётини тайёрлашини муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади. Мамлакатимизда ўқитувчи кадрлар маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти, ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда.

Бу борада юртбошимизнинг IX сессия қуйидаги фикрлари мақсадга мувофиқдир: Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумоти, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин деб, талаб қиламиз. Аммо замонвий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсадли–таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Дунёга янги куз билан қарайдиган, уддабурон, ишнинг кузини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир. Педагог ихтисослигини танлаган ҳар бир инсон кимларни ўқитаётган ва тарбиялаётганлиги учун ўзига жавобгарликни олади. У

Ўзининг касбий тайёргарлигига жавоб бериш билан бирга педагог, уқитувчи, тарбиячи, муаллим бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши учун жуда куплаб мажбуриятларни олиши зарур.

Муаллимлик касбининг шарафлилиги, нафақат, унинг уқитувчи, турли билимларни ургатувчи ва мохир тарбиячи булганлиги учунгина эмас, балки унинг узи танлаган касб-хунар йуналишидаги барча мутахассисликлар буйича махсус фанларни ва уларнинг пойдевори булган фундаментал фанларни ҳамда уқитиш ва тарбия беришни, психология ва педагогика асосларини аъло даражада эгаллаган бўлиши шарт. Шу билан бирга хакикий муаллим турли даражадаги билимга, хохиш ва иродага ҳамда тарбияга эга булган талабаларни ажойиб санъаткор каби узига эргаштира олиши зарур. Бундай касбий педагогик хусусиятга эга булган муаллим узига куйидаги мажбуриятларни олиши керак. Биринчидан, булажак уқитувчи, тарбиячи булажак педагогик фаолияти учун узининг имкониятларини бахолаши, узининг кучли ва кучсиз томонларини билиши, касбий педагогик тайёргарлик даврида кандай касбий зарурий сифатларни шакллантириш кераклигини ва кандайларини мустакил педагогик жараёнда шакллантириши керак? Иккинчидан, булажак педагог интеллектуал фаолиятининг умумий томонлари (тафаккур, хотира, кабул кила олиши, куз олдида келтириши, эътибор) ни хулк-атвор маданияти ва шу жумладан педагогикавий алокасини эгаллаган бўлиши шарт. Учинчидан, педагог учун мажбурий дастлабки шарт-шароит мувафаккиятли фаолият асоси булган укувчини узининг тенгкури деб караши ва унинг хулк-атвори узаро алокасидаги конун-қоидаларни билиши керак. Педагог, укувчи ва тарбияланувчини, унинг барча хусусиятларидан катъи назар, билиши ва кабул килиши шарт. Туртинчидан, педагог нафақат талабалар уқиш фаолиятининг ташкилотчиси ва уқиш жараёнини ташкил этувчиларнинг узаро алокасини илхомлантирувчи булиб хизмат килиш билан бирга маълум маънода билим, тарбия бериш ва демак, умумий мақсадларга эришишда уларнинг тенгдоши сифатида катнашиши зарур. Бу эса талабалар олдида доимо узларининг ташкилотчилиқ, коммуникатив хусусиятларини

педагогик-психологик билимларни узлаштириш жараёнида ривожлантириб боришларини ва улардан педагогикавий амалиётлардан самарали фойдаланишга интилишларини юзага келтиради.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бундай ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани фақат юксак малака ва педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи кадрлар билангина амалга ошириш мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Педагогик маҳорат туғма талант ёки наслдан-наслга ўтувчи хуссият эмас, балки унинг негизида изланиш ва ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қолипдаги иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида изланиши, ижодий меҳнати давомида ташкил топади ва ривожланади.

Бу ўринда илғор ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тажрибаларини бошқа ўқитувчи ўрганиши, ундан ижодий фойдаланиши ва ўз фаолиятини илғор тажрибалар билан бойитиши зарур. Ўқитувчининг педагогик маҳорати, асосан, синфда, аудитория машғулотларида яққол кўринади. Чунки ўқув машғулотлари ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра ўқитувчининг ўқув юртидаги асосий ишидир. Шунинг учун у илмий-ғоявий жиҳатдан етук ва оммабоп бўлиши, турмуш билан, ўқувчи ёки талабаларнинг тайёргарлик даражаси билан узвий алоқадор бўлиши зарур.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Таълим муассаларида илғор педагогик тажриба тўплаш ва уларни оммалаштириш муаммоларини ўрганиш.

Битирув малакавий ишнинг вазифаси: Замонавий педагоглар олдида қўйилаётган вазифалар мазмунини тавсифлаш. Ўқитувчининг педагогик маҳоратини оширишда илғор педагогик тажриба тўплашнинг аҳамиятини ифодалаш. Илғор тажрибаларни ўрганишда дидактика назариясининг аҳамиятини белгилаш.

Битрув малакавий иш химоясига қуйидаги вазифалар олиб чиқилмоқда.

- педагогик махоратнинг назарий асослари ;
- Ўқитувчилик касби тўғрисидаги шарқ мутафаккирларининг таълимотлари ;
- ҳозирги замон ўқитувчисига қўйиладиган талаблар ;
- ўқитувчи кадрларнинг мустақил билим эгаллашлари ва ўз малакасини оширишларининг муаммолари ;
- ўқитувчининг инавацион фаолияти.

Битирув малакавий ишнинг предмети: Ўқитувчининг касби ўз моҳиятига кўра индивидуалдир. Хар бир ўқувчининг муҳим ҳаётӣ ўрни ўз ишининг устаси бўлишдир. Ўқитувчининг маҳорати унинг фаолиятида кўринади. Ўқитувчи аввало педагогик жараённинг қонуниятлари ва механизмларини яхши эгалаган бўлиши керак. Шу маънода педагогнинг умумлашган малакалари, унинг педагогик техникаси катта аҳамиятга молик бўлади. Педагогик маҳорат юксак даражадаги педагогик фаолиятнинг тараққӣ этганини, педагогик техникани эгаллашни, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси, фуқаролик ва касбий мавқеини ифодалайди.

Битирув малакавий ишнинг объекти: Педагогик маҳоратнинг асоси педагогик билимдонликдир. Педагогик билимдонлик деганда конкрет тарихий даврда қабул қилинган меъёрлар, стандартлар ва талабларга мовофиқ педагогик вазифани бажиришга қобиллик ва тайёрлик билан белгиланадиган интеграл касбий – шахсий тавсифнома тушунилади.

Педагогик билимдонлик педагогик соҳада маҳорат билан ишлаётган кишининг таълим ва тарбия ишида инсоният тўплаган барча тажрибаларидан унумли фойдаланиш қобилиятини кўзда тутар экан, демак у етарли даражада фаолият ва муносабатларнинг мақсадга мувофиқ усуллари ва шакллари эгаллаши лозим бўлади. Касбий педагогик билимдонликнинг бош кўрсаткичи бу инсонга, шахсга йўналганликдир.

Битирув малакавий ишнинг методологиясини Юртбошимиз И.А.Каримовнинг таълим соҳасидаги ислохатлари, “Баркамол авлод” Давлат дастури, шу мавзуларда сўзлаган марузалари, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ҳамда мустақиллик йилларида чоп этилган « Педагогика » га оид дарслик, рисолалардаги назарий билимлар ташкил этади.

Битирув малакавий ишнинг методлари- педогогик таҳлил, қиёсий таҳлил, аналитик обзор, тарихий хронологик таҳлил, кузатиш, умумлаштириш, анкета, савол-жавоб, суҳбат, эксперимент.

Юқорида билдирилган фикр – мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда **битирув малакавий ишнинг структураси** қуйидагилардан иборат: Кириш, 2 боб 4 параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I-БОБ. ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1 Призидентимз И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод” Давлат дастурида ўқитувчилар олдига қўйилган вазифалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан, “Баркамол авлод” Давлат дастури тасдиқланди. Ушбу дастур 2010- йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан ёшларнинг манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётга ва мамлакатнинг барча ҳаёт соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассис-ларга бўладиган талабни таъминлаш мақсадини кўзда тутди. Мазкур қарорда айтилишича, “Баркамол авлод” Давлат дастури таълим тизимини такомиллаштириш бўйича жуда кўплаб масалалар қаторида қуйидагиларни назарда тутилади:

- олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишни кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;
- олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини, замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш ҳамда янгилаш; педагог кадрлар тайёрлаш; ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш.

“Тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва оҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор берган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услугий адабиётларни такомиллаштириш”, -деган эди Президентимиз “Баркамол авлод йили”

Давлат дастурида. Дарҳақиқат, бугунги кунда таълим тизимини такомиллаштириш учун педагог кадрларнинг имкониятларини оширишга катта талаблар қўйилипти.

Таълим жараёнида ўқитувчи билан талабалар ўртасида ўзаро жонли тил мулоқоти, фикр алмашув муносабатлари, самимий ҳурмат ва асосий мақсадга эришишда яқин ҳамкорлик лозим. Мазмуни саёз, амалий тажрибадан, турмушдан ажралиб қолган, умумий сўз, қуруқ насихатгўйликдан иборат бўлган, расмий учун юзаки ўтказиладиган дарс (маъруза) ва бошқа ўқув машғулоти ўқувчи талабаларни қизиқтирмайди, уларни илмий, ғоявий жихатдан етарли даражада озиқлантирмайди. Шу сабабли, дарсларни шундай ташкил қилиш керакки, уларнинг таъсирида талабаларда шу фанга нисбатан турли қарашлар, илмий тафаккур ва эътиқодлар вужудга келиши ва шаклланиши керак.

Таълим ва тарбия жараёни таъсирчанлигининг янада юксак бўлиши ўқитувчининг илмий салоҳиятига, ёшлар олдидаги обрўсига, шахсий сифатларига, илмий истеъдодига, таълим соҳасидаги тажриба ва маҳорати ҳамда ўқувчи ёки талабалар билан ўрнатилган дўстона муносабатига боғлиқдир.

Замон талаблари профессор-ўқитувчиларнинг ўзларида мавжуд бўлган билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарурлигини тақозо қилади.

Ўқитувчининг касбий фазилатлари: ўз соҳасининг пухта билимдони бўлиш, ҳунар сирларини содда усулда ўргата олиш, ҳаётий тажрибалари асосида тарбияловчилик, шогирдлар эҳтиёжлари ва ютуқ-камчиликларини идрок эта олувчанлик, нутқ маданиятига эга бўлиш, шахсий намуна бўла олишлик ва шу кабилар.

Шогирдлик одоби бўйича қуйидагича мезонлар қайд қилинади: «Агар сендан шогирдик одоби нечта, деб сўрасалар, етгита дегин», 1) аввало: ўз ишига яхши муносабатда бўлиш, яъни ўз касбини севиш; 2) ўз ишига эътиқод

кўйиш ва унга ишониш; 3) устоз олдида ҳокисор бўлиш, ўз ножўя одатларини тарк этиш; 4) кўриш (ножойиз) лозим бўлмаган ҳамма нарсалардан нигоҳини олиб қочиш; 5) эшитиш мумкин бўлмаган барча нарсаларга қулоқ солмаслик; 6) барча нолайиқ ишлардан қўл тортиш; 7) устозига қарши бўлган кишилар билан муомала қилмаслик. Ана шу кесимларда ўқитувчи ва ўрганувчи орасидаги диалектик муносабат тўлақонли амалга оширилади.

Ўқитувчидан биринчи навбатда қуйидагилар талаб қилинади:

1. Жисмоний ва ақлий саломатлик.
2. Юксак ахлоқий ва инсоний фазилатлар.
3. Кучли ва кенг қамровли пойиндор билим.
4. Методик мукаммаллик ва сайқалланган касбий маҳорат.
5. Нутқ маданияти, нотиклик санъати ва имло саводхонлиги.
6. Мустақил ўз устида ишлаш ва малакасини ошириш ва бошқалар.

Педагогик ижодкорлик манбаи - **бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба** - муаммоли вазиятларга жуда бойдир. **Илғор педагогик тажриба деганда**, биз педагогнинг ўз педагогик вазифасига ижодий ёндошишини, талабаларнинг таълим-тарбиясига янги, самарали йўл ва воситаларни қидириб топишини тушунамиз.

Ижодий ишлайдиган педагог фақат талабаларни муваффақиятли ўқитиш ва тарбия бериш, **илғор иш тажрибаларини ўрганиш** билангина чекланиб қолмасдан, тараққиётчилик кўникма ва малакаларига ҳам эга бўлиши зарур. Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти педагогнинг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита билиш, фан ютуқларини талабаларга етказа олиши, тадқиқот ишларига ўргата олишини талаб қилади.

Педагогик тажриба педагогнинг фаолиятини самарали ташкил қилиш, таълим олувчиларни тайёрлашнинг ҳар бир вазиятида маҳоратнинг юқори даражасига эришишда узлуксиз равишда олиб борилади. Педагогик маҳорат

Ўз-ўзича вужудга келмаганидек, **тажриба** ҳам ҳеч бир ҳаракат, қизиқиш ва ўрганишсиз, синовсиз, таваккал қилишсиз юзага чиқмайди. Педагогик фаолиятнинг энг зарурий ва эмоцияларга, ҳиссиётларга бой бўлишини ҳисобга олсак, жуда оғир муаммолар, дарс жараёнларидаги кутилмаган ҳолатлар, энди ўрганаётган ўқитувчининг фаолияти ҳам ўз фанининг моҳир устаси бўлган ўқитувчига **тажрибасини** тинимсиз ошириб боришига имкон яратади. **Тажрибали педагоглар** доимо ўзларида ниманидир, қандайдир қобилиятини намоён қилаётган ёки ривожлантираётган бўладилар.

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин.

Педагогик маҳоратнинг асосий негизи бу – касбга оид билимларни пухта ўзлаштиришдан иборатдир. Ўқитувчи ўқув юртидаёқ илмий билимлар системасини пухта эгаллаб олиши керак. Педагогик маҳоратни эгаллашда психология ва педагогика фанига доир билимлар катта роль ўйнайди. Илмий психологик ва педагогик билимлар системасининг мавжудлиги ўқитувчига нафақат ўз синфини ҳамда айрим ўқувчиларни ўрганиш ва уларнинг тўғри феъл-атворларини тушунишгагина эмас, балки болалар жамоаси ва унинг ҳар бир аъзосини ривожланиш истиқболини ҳам белгилаш имконини беради.

Ўзгалар ҳолатини тушуна олиш ўқитувчи учун муҳимдир. Сабаби у қандай ҳолат, шароитда ўсган ўқувчиларга дарс бераётганлигини билиши лозимдир. Ўқувчиларнинг юриш–туриши, ўтириши, ҳаракатидан уларнинг қай ҳолатда юрганликларини билиш мумкин.

Ўзини намоён қила олиш - бу бир қийин ёки нарса орқали эмас, балки билим, малака, кўникма, одоб–ахлоқ, муомала, нутқ, муносабат орқали ўзини намоён қила олишдир. Бундай профессионал ўқитувчи бўлиш учун педагог маданият кўрсаткичларига эришиши лозим.

Маданият атамаси лотинча бўлиб, у тупроқни ишлаш маъносини берган бўлса, ҳозирги вақтда эса, умумий ҳолда инсон маданиятни, жамиятни қайта қуриш фаолияти ва унинг натижасидир, деб тушунилади.

Моддий ва руҳий маданият жамият ҳаёти тавсифининг катта қисмидан иборат. Ижодкор педагогнинг ўзи эса йўлни ўзлаштириб, мазкур жамиятнинг ўзига хос бўлган бойликлари, анъаналари ва маданиятининг усуллари ҳамда кўникмаларини ўзлаштириш жараёнида шаклланади. Шундай қилиб, мукамал ўқитувчи умуминсоний маданиятнинг вакили ва тақдим этувчисидан иборат.

Фанда маданият моҳиятига уч хил қараш тушунилади: аксиологик, фаолиятли ва шахсий.

Аксиологик қарашда педагогика ва тарбиядаги йўналишлар кўриб чиқилади. Фаолиятли қараш педагогик методлар ва воситалар моҳиятини амалга оширишни тадбиқ этиш имконини беради. Индивидуал-шахсий режада ўқитувчининг педагогик маданияти унинг касбий фаолиятидаги тавсифининг моҳиятидан иборат, деб тушунилади. Бундай қараш ўқитувчини умуминсоний маданият ва педагогик бойликларни, у орқали тарбия ва таълимнинг маданий бойликларини бир авлоддан иккинчи авлодга ташувчи вакили сифатидаги шахс, деб қараш имконини беради. Педагогик маданиятнинг умуминсоний шакллари каби, моддий ва маънавий шаклларда мавжуд бўлади. Педагогик билимлар, назариялар, концепциялар, инсоният ва буюк алломалар томонидан тўпланган **педагогик тажриба** ҳамда касбий-этикавий нормалар-меъёрларнинг барчаси педагогик маданиятнинг маънавий-руҳий бойлигини ташкил этади. Педагогик маданиятнинг моддий бойлиги ўқитиш ва тарбия воситаларидир.

Ўқитувчининг умумий маданияти унинг ижтимоий-аҳамиятли тавсифларининг касбий фаолиятда амалга ошгандаги етуқлигини ифодалайди. Маданият шахснинг ривожланиши, унинг руҳий кучлари ва қобилиятларининг амалий фаолиятида амалга ошиш даражаси ва ҳоказо.

Инсоннинг маданий ривожланиши - бу унинг билимлари, ишончлари, қобилиятлари, ҳулкининг муҳит томонидан ривожланиш жараёнидир.

Ўқитувчининг касбий маданияти унинг касбий фаолият доирасидаги, унинг шахсий сифат тавсифининг моҳияти-тизимли таълимдан иборат.

Ўқитувчининг педагогик маданияти ташкил топган кўрсаткичлар даражасига ва асосий тизимли компонентларига қуйидагилар киради:

А) педагогнинг интеллектуал ривожланиш даражаси (энг аввало, педагогик тафаккурнинг ривожланиши);

Б) педагогик фаолиятнинг ҳар томонлама ташкил топиши ва даражаси;

В) асосий касбий педагогик этика, маънавий характер ва одоб маданияти;

Г) ўзаро муносабат маданияти;

Д) сўзлашув маданияти;

Е) ташқи кўриниш маданияти ва бошқалар.

Педагогик фикрлаш маданияти бўлган ўқитувчи тафаккури –дунё-қарашининг уч босқичини ўз ичига олади: биринчиси методологик дунё қарашдаги **педагогик ишончдир**. Методологик тафаккур ўқитувчига ўзининг касбий фаолиятига тўғри қарай олишига, гуманистик стратегияни ишлаб чиқишига имкон яратади. Педагогик фикрлаш маданиятига педагогик таҳлил ва синтез қобилиятининг ривожланиши, фикрлашдаги танқидий кураш, мустақиллик, кенглик, эпчиллик, фаоллик, тезлик, кузатувчанликнинг ривожланиши, педагогик хотира ва бошқалар киради.

Педагогик тафаккурнинг иккинчи босқичи - тактикавий дунёқараш бўлиб, у ўқитувчига педагогик фикрлаш, педагогик жараённинг моддийлашувига имкон яратади.

Учинчи босқичи умумий педагогик қонуниятларни, реал педагогик фаолиятнинг уникал ҳодисаси бўлиб ҳисобланган бўлим-бўлимларга тадбиқ қилишда намоён бўлади. Бу **тезкор фикрлашдир**.

Педагогик маданият тузилмасида унинг одоб-ахлоқ бўлими муҳим ўрин эгаллайди. Бу педагогик ишонч жараёнининг шаклланиши, натижаси ва

Ўқитувчининг ўз қизиқишларини кўпроқ аниқлаш жараёнидир. Ўқитувчи, касбий муҳитдан релоксин жараёнга, ўзининг тутган ўрнини янгилашга фаол кириб бориши зарур. Педагогик маданиятнинг касбий фаолиятига боғлиқ ташкил этувчиси педагог томонидан ўзининг педагогик қобилиятларининг барча спектрини билиб олганлигини характерлайди, бу эса педагогик фаолият муваффақиятининг нишонаси, педагогик хатоларнинг олдини олиш ва ниҳоят, педагогик қобилият усуллари эгалланганлигидан иборат. Маънавий маданият етук билимларнинг назарий даражаси ҳолатида шаклланувчи ахлоқий билимни ўз ичига олади. Бу **касбий педагогик этикадан** иборат.

Педагогик алоқа қилиш маданияти суҳбатдошни эшитиш ва эшита олишда, саволлар бера олишда, алоқани амалга ошириб бошқани тушуна олишда, мулоқотнинг қийин ҳолатларини кўра олиш ва одамлардаги таъсир ҳолатини тўғри таҳлил қила билишда, мулоқотга тайёрланиш ва мулоқотга бўлган хоҳишларда кўринади.

Педагог учун энг зарури нутқ маданиятини эгаллашдир. Ўқитувчининг нутқи кундан-кунга ўқувчилар учун ибратли бўлиб бориб, уларнинг нутқ маданиятини шакллантиришга ёрдам бериши керак. Нутқнинг грамматик тўғрилиги, унинг лексик бойлиги, яхши ифодаланганлиги, образлилиги, нутқ техникасини эгаллаганлиги ўқитувчининг турли хил касбий масалаларни сифатли ечишига имкон беради. Ўқувчиларнинг янги материални тушуниб ва ўзлаштириб олишлари учун ўқитувчи нутқининг такомиллашганлик даражаси муҳим аҳамиятга эгадир. Болалар педагогнинг нутқий маълумотларига сезгир бўладилар. Бирор бир товушларни нотўғри талаффуз қилиниши болаларда кулгуни чақиради.

Нутқ инсоннинг онгида пайдо бўлган фикрнинг нутқ товушларига тил ёрдамида кўчишидир. Нутқ таъсирли ёки таъсирсиз, тўғри ёки нотўғри бўлиши мумкин.

Нутқ орқали киши ҳолатини тушуниш – кишилар ўз нутқларида ўзларида кечаётган жараёни намоён қиладилар. Шу ҳолатни тушунишдир.

Монотон нутқ болани зериктиради, ноаниқ интонация эса яхши ўзаро яқин суҳбатнинг уюштирилгандан баланд тон болаларда ишончсизлигини келтириб чиқаради.

Товуш одамларда табиатан берилади, аммо бу эса жуда ҳам кўп учрайди. Ҳамда яхши товуш махсус машқларсиз йиллар ўтган сари бузилади, ўзгаради.

Педагогик нутқ қуйидагиларни таъминлаб бериши мумкин:

А) педагог ва ўқувчилар орасида ўзаро таъсир этиш ва мулоқотнинг натижалчилигини;

Б) фаолият мотивларини, тушунчаларни тўғрилаш ва шакллантириш мақсадида ўқувчи, болалар тафаккурига, ҳис–туйғуларига ижобий таъсир этиш керак;

В) таълим бериш жараёнида билимларни тўлиқ тушунтириш ва мустаҳкамлаш, ўзлаштириб олиш;

Г) ўқувчиларнинг амалий ва ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш;

Ўқитувчи нутқининг ўзига хослиги - ўқувчиларга йўналганлиги билан боғлиқдир. Кузатувчан ўқитувчи мавзунини тушунтиришда ўқувчиларга қандай таъсир этишни ҳисобга олган ҳолда иш юритади.

Ўқитувчи нутқига қўйиладиган талаблар, қуйидагилардан иборат функциялар билан белгиланади. Асосий функциялардан бири бу билимларни тўлиқ узатишни таъминлаб бериш. Янги билим беришда ўқитувчи ўз нутқи орқали фақатгина янги билимларни бериб қолмасдан, балки ҳис–туйғуларига ҳам таъсир этиши керак.

Педагогнинг ташқи кўриниш маданияти, унинг ташқи кўринишга мослик даражаси ва педагогик фаолияти билан баҳоланади. Кенг фикрлилик, тартибли, одобли, босиқлик ва ўзини-ўзи яхши бошқара олиш кабилар педагогик фаолиятнинг муваффақиятли бўлишига олиб келади.

Педагогик маҳоратнинг мақсади ва вазифалари.

«Педагогик маҳорат» бир категория сифатида ўзининг илмий асосларига эга. 1987 - 1997 йиллардаги илмий ёндошувлар бу фавқулудда ҳодисага нисбатан қуйидагича хулоса қилишга имкон берди:

Педагогик маҳорат касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёрқин кўриниши сифатида тушунилади.

Педагогик маҳорат категорияси касбий фаолият нуқтаи назаридан кишининг индивидуаллигини характерлайди.

Ҳозирги тадқиқотларда педагогик маҳоратнинг ўзига хослиги қуйидаги категорияларда жамланади: А) педагогик маҳорат; Б) *педагогик ижод*; В) новаторлик; Г) касбий билимдонлик; Д) фаолият услуги; Е) инновацион фаолият; Ж) педагогик технологиялар; З) маҳорат.

Турли тадқиқотчилар ишларида айна бир ҳодисани тасвирлаш учун турлича тушунчалардан фойдаланиш, бошқача маъно ва мазмун томонларига эга. Турли муаллифлар асарларида педагогик маҳоратнинг ягона, тан олинган таърифининг йўқлиги уни тадқиқотнинг жонли жараёни, деб хулоса чиқаришга асос бўлади.

Тушунчалар, фикрларнинг турли-туманлиги бу ҳодисанинг мураккаблиги ва кўп қирралилигидан далолат беради.

Маҳорат талабалар томонидан уларнинг социал етукликка эришиш даражасига қараб босқичма-босқич эгалланади. Социал етуклик компонентлари педагогик маҳорат компоненти билан қуйидаги нисбатда бўлади. Бўлғуси педагогнинг социал етуклик компонентларига қуйидагилар киради:

- социал ўз-ўзини белгилаш - ўзининг педагогик қобилиятлари ва эътиқодини намоён қилиш;

-социал фаоллик - *одамлар билан ишлай олиш ва бошқаларни тарбиялаш тажрибасини такомиллаштириш*;

-социал масъулият - ўқитувчининг билимдонлигига айланадиган билимлардир.

Педагогик маҳорат асосларига касбий педагогик билимлар, инсонпарварликка йўналганлик, педагогик техника, *касбий педагогик*

фаолиятни амалга ошириш тажрибаси киради. Маҳоратнинг шаклланиш босқичларига:

репродуктивлик, ижодийлик, новаторлик киради.

Педагогик маҳорат компонентларини ҳосил қиладиган қуйидаги малака гуруҳлари фарқланади:

- лойиҳалаш,
- конструкциялаш,
- ташкилотчилик,
- мулоқот,
- билиш ва рефлексивлик.

Педагогик маҳоратнинг ўрганиш предмети педагогик маҳорат, мақсади бўлажак ўқитувчиларда педагогик билимларни амалиётда маҳорат билан қўллаш малакасини тарбиялашдан иборат. Маҳоратга эришиш йўлларини кўрсатиш, яъни маҳоратли, ижодкор, тажрибали педагогни етиштиришдир.

Педагогик маҳорат - бу фаҳм-фаросат билан таълим-тарбия жараёнига раҳбарлик қилиш, тарбияланувчини қалбан ҳис қилиш ва тарбияланувчига авайлаб, **ижодий далиллик, илмий таҳлил ва истиқболни ҳисобга олган ҳолда ёндашишдир.**

Педагогик маҳоратга педагогик билимлар, педагогик фаросат, ҳис этиш, педагогик малака, **илгор педагогик тажрибаларни ўзлаштириш** кабилар киради.

Ҳар қандай воситани қўллаш турли хил омилларга боғлиқ ҳолда танланади, бу тарбияланувчини психологик ҳолати, билим даражаси, тарбия муҳити ва бошқалар билан боғлиқ (масалан, рағбатлантириш). Демак, педагог бу ҳолда барча омилларни ҳисобга олиши, тарбияланувчи шахсини яхши ўрганиши ва рағбатлантириш усулини тўғри, ўз ўрнида қўллай олиши унинг **педагогик тажрибаси мавжудлигидан** далолат беради.

Барча педагогик воситаларни қўллашда жамоани дақиқа сайин ўзгариб боровчи вазиятини ҳам ҳисобга олиш талаб этилади.

Асосий педагогик маҳоратнинг талаблари: болаларга ишонч билан караш, талаб ва ишончнинг бирлигини таъминлаш, ҳурмат қилиш, инсоний муносабатда бўлиш ҳисобланади.

Педагогик маҳоратни эгаллашнинг йўллари.

Педагогик маҳоратни эгаллашнинг асосий икки йўли бор:

1. Ўқитувчи ёрдамида педагогик маҳоратни ошириш (илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш).

2. Мустақил ишлаш (касбий тайёргарликни, билимдонликни ошириб бориш). Методик ва маҳоратга тегишли адабиётларни ўқиш, педагогик кўникмаларни ҳосил қилиш. Бунда педагог ўзида ўқувчиларга нисбатан муҳаббат, ўқувчилар билан мулоқот қилиш эҳтиёжини тарбиялаши керак. Муомаланинг барча босқичларида ҳиссий осойишталикни вужудга келтириш, ўқувчини тинглаш ва ўз фикрини тўғри ифода этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Педагогика соҳасида инсон омилини бош вазифа қилиб олиш, ҳар бири кишининг ўз ўрнида виждонан ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда ишлашга эришиш таълим-тарбиянинг **асосий тажрибаси** саналади. Педагогик фаолиятда муаллимнинг ижодий меҳнатини ривожлантирмасдан бунга эришиш мумкин эмас. Шунинг учун педагог жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар моҳиятини тушуниши, ўзи қилаётган ишнинг аҳамиятини билиши жуда муҳимдир. Ҳозирги замон ўқитувчиси билимларнинг кенг кўламдаги захирасига, педагогик маҳоратига ва обрўга эга бўлиши керак. Ҳозир ҳамма жойда фақат олий маълумотли ўқитувчилар тайёрлаш учун шароитлар яратилди. Лекин, эътироф этиш керак: ўқитувчи ўқув юртида қанчалик етук таълим олган бўлмасин, барибир у доимо **малакасини ва тажрибасини ошириш ва умумлаштиришга** муҳтож бўлади.

Педагог ўз фаолиятини ҳар қандай шароитда ҳам ҳаётий жараённинг асосий шаклларида бири сифатида англаши муҳим омилдир. Бундай

тушунча унинг **шахсий сифатлари ва касб маҳоратини ривожланиши** учун катта аҳамиятга эгадир.

Ўқитувчининг ўзига хос касб хусусиятларини аниқлангандан кейингина **малака оширишнинг мазмуни, шакллари ва усуллари унга мос тарзда ташкил этиши** мумкин.

Педагогик маҳорат фанининг вазифалари: тарбиянинг моҳиятини ва шахсни ҳар томонлама тараққиёт эттиришда тарбиянинг ролини очиқ беради, тарбиянинг мақсади, мазмуни, усуллари, уни ташкил этишдаги шакллари ўртасидаги боғланишларни кўрсатади: шунингдек педагогик маҳорат фани ўз тараққиёти давомида таълим — тарбия соҳасидаги **тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш**

истиқболлари йўллари ёритиб беради, тарбиявий ишларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрнини оширади. Педагогик техника педагогга ўқув фаолиятида ҳам зарур бўлган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади.

Педагог **умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб**, таълим - тарбия жараёнига татбиқ этиши лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, ҳам юксалтириб бориши ва уларни талабалар қалбига сингдириш зарур. Педагог фаолияти ўз моҳиятига кўра ижодий характериға эға. Маълумки, инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эҳтиёж туғилади. Педагог фаолияти ана шундай хусусиятға эға. Педагогик **ижодкорларнинг** асосий моҳияти фаолиятининг мақсади ва характери билан боғлиқ. Педагогик фаолият киши шахсини, унинг дунёқараши, эътиқоди, онги, хулқ-атворини шакллантиришдек умумий мақсадға бўйсунган сон-саноксиз педагогик масалаларни ечиш жараёнидир.

Педагог фаолиятидаги ижодкорлик ана шу масалаларни ечиш усулларида, уларни ҳал қила олиш йўллари қидириб топа олишида ифодаланади. **(Бекмуродов А.И. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини**

амалиётга жорий этишда давлат таълим стандартларини такомиллаштиришнинг дидактик асослари" Номзодлик диссертацияси. 2003 йил.)

Тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатиш талабага у ёки бу юксак ахлокий сифатларининг моҳиятини англатиш жараёнида қўлланиладиган педагогнинг иш усулларида биридир.

Ҳар бир шахсга таъсир этиши тарбиячининг педагогик маҳорати ва профессионаллигига боғлиқдир. Бунда:

- талабанинг ижобий хатти-ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслиги;
- талабларни аниқ ва тушунарли бўлиши;
- қўйилган талаб ва вазифаларни натижасини билиш;
- талаб очик чеҳра, самимий бир оҳангда берилиши, илтимос, маслаҳат, яхши ниятга чорлаши;
- талаб талабаларнинг ёши, билими савиясига мос бўлиши.
- талабларда кесатиш, луқма, миннат қилиш бўлмаслиги ва бошқаларга эътибор бериш лозим.

Кишилиқ жамоаси пайдо бўлган даврдан бошлаб инсон ҳеч қачон ёлғиз яшай олмаган. Жамоаларни ташкил қилиш ва унинг тарбиявий таъсирини назарий ва амалий асослари мутафаккир ва олимлар томонидан ўрганилиб, у илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Тарбиячининг навбатдаги вазифаси талаба-ёшлар жамоасини ташкил қилиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириб, **илғор тажрибаларга** суяниб, уларни тарбиявий жараёнида ўртоқлик, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқариш каби жамоатчилик сифатларини шакллантириш **маҳоратини ўзлаштиришдан** иборат. Улар:

- Ҳар бир **талаба** шахсида ўзаро муносабат алоқаларини яратиш; талабалар кундалиқ фаолиятларининг ҳамма қирраларини жамоада жипслаштириш;
- шахсий манфаатдан жамоа манфаатини юқори қўйишга ўргатиш; жамоада бир-бирига меҳр-оқибатли, мурувват ва саҳийлик дўстона

ҳамкорлик мавжуд бўлса, у катта тарбиявий кучга айланади.

Касб-ҳунар таълими коллежи талабалар жамоаларини, ташкил қилишда педагогдан турли-туман усул ва воситалардан маҳорат билан фойдаланиш талаб қилинади:

1. Педагог жамоа аъзоларини янги шароитга мослаштириш жараёнида уларга ишонч, ҳурмат, ҳушмуомалалик талабларни тўғри қўя билиш, шу билан бирга талабани тушуниш ва эшита билиш маҳоратига эга бўлиши керак.

2. Талабалар жамоасидаги етакчи куч-таянч ўзагини танлаш.

3. Жамоа аъзоларининг ҳар бирининг кучига, қобилиятига қараб топшириқлар бериш.

4. Жамоада янги анъана, қонун-қоидаларнинг дастлабки куртагини яратиш ва унга амал қилиш.

5. Жамоа истиқболини давр талаби билан мослашган ҳолда белгилаш талаб қилинади.

Ҳар бир педагог педагогик фаолият юритар экан, бераётган таълим-тарбиясининг янада самарали бўлиши учун ўз устида муттасил ишлаши, билимини, маҳоратини ўстириши, талабалар билан бўладиган муносабатларни пухта ўйлаб, уларнинг кўнглига озор етказмасдан иш олиб бориши лозим. Муомала маданияти, ўзини тута билишини назорат қилиши керак. Ҳар бир тарбиячининг дунёқараши унинг муомаласида намоён бўлади. Муомаланинг асосий воситаси - тилдир. Халқимизда шундай нақл бор "Талаба-ширин сўзнинг гадоси". Шундай экан тарбиячи муомала жараёнида жуда эҳтиёткор бўлиши мақсадга мувофиқдир. Алишер Навоий муомала қилувчи шахснинг маҳорати ҳақида шундай дейди: "Ширин сўз кўнгиллар учун бамисоли асалдир."

Шунинг учун ҳам педагог ҳар он нутқ маданиятига қаттиқ, эътибор бериши, ўзининг психологик, эстетик, жисмоний, ахлоқий жиҳатларини намуна ҳолатда намоён этиши муҳим. Юксак туйғу маданиятига эга бўлган педагог талабаларнинг кайфияти, нохушлигини дарров фаҳмлайди.

Қўпол, одобсиз гапларга ўрин қолдирмаслик, талаба шахсига тегадиган қўпол муомала қилиш педагогнинг фаолиятига путур етказди. Талаба аҳволини тушуниш унга ҳамдард бўлиши, мадад бериш керак. Педагог ўзининг педагогик фаолиятида аввало тўғри сўз бўлиши, ишларини адолат билан олиб бориши керак. Бу хислат тарбиячи билан талаба ўртасида яқинликни оширади, чунки адолат инсонлар хулқини баҳоловчи муҳим мезондир.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек: «Лоқал бир харф ўргатган устознинг ҳаққини юз минг ганжу хазина билан ҳам узиб бўлмайди». Биз улардан умрбод қарздормиз.

1.2 Ўқув жараёнида илғор педагогик тажрибаларни тадбиқ этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Юқорида биз илғор педагогик тажрибаларнинг ўқитувчининг педагогик маҳоратни эгаллашдаги ўрнига тўхталдик. Энди эса бу тажрибаларнинг қандай тарзда оммалаштирилиши масалалари ҳақида ҳам фикр билдирамиз. Юртбошимиз И.А.Каримов «Таълим ҳақида» ги қонунда (1992 йилда) кадрлар: мактаб ўқитувчилари ҳар уч йилда, олий мактаб ўқитувчилари эса ҳар бир йилда Давлат аттестациядан ўтишлари зарурлигини таъкидладилар. Ўқитувчиларнинг ўз тажрибаларини ошириш манбаларидан бири уларнинг малака ошириш тизимида таълим олишлари ҳисобланади. Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида илғор иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчиларни иш усулublари кафедралар ҳамда шаҳар миқёсида ўрганилиб, оммалаштирилиши анъанаси бор. Бунда институтнинг ҳар бир кафедрасидан номи берилган профессор - ўқитувчининг иш тажрибаси институтнинг илмий кенгашига олиб чиқилади, ишларини кўрсатаётган педагог фаолиятидаги қизиқарли метод, усул ва воситалар, технологияларни кўргазмали равишда ифодалаб, кенгаш қатнашчилари билан биргаликда иш турлари кетма-кетлигини бажаради, роль ўйнайди. Агар маълум кафедра ишлари оммалаштиришга лойиқ, деб топилган шаҳар мақбаби ўқитувчиси аввал малака ошириш тизимида иш тажрибасини кўрсатаётганда аъло баҳога баҳоланса, у энди район миқёсида ҳам ўз илғор тажрибасини оммалаштиради. Бундай ўқитувчиларнинг танилиши ва ишларининг бошқа ўқитувчилар томонидан ўрганилиши узлуксиз таълим тизимининг ривожлантирилишига сабаб бўлади. У тайёрлаган альбом, стенд, баннер, плакат, тарқатма, харита, технологиялар кўп йиллар профессионал потенциалларининг тўхтовсиз ошиб боришини таъминлайди. Ҳозирда «Йил ўқитувчиси кўрик-танлови» ана шундай истеъдодли ўқитувчиларнинг иш усуллари ва тажрибаларидан ўрганиш кўргазмаси бўлиб хизмат қиляпти.

Дидактика ўқитувчиларга таълимнинг моҳияти ва унинг қонун ва қонуниятларини, тамойилларини ва ёндашувларини, қўйилган мақсадларга эришиш йўлидаги метод ва воситаларни англашни кўзда тутди.

Маълумки, амалиёт ҳар доим ҳам ўз педагогик фаолиятида дидактиканинг зарурийлигини тушунавермайди. Бу фикр ҳали XIX асрларда К.Д. Ушинскийнинг ёзишича, "Тарбия санъати, - шундай ўзига хосликка эгаки, у деярли барчага осон ва маълум ишдай сезилади... лекин кўпчилик шундай фикрга келдики, сабр-тоқат, туғма қобилиятлардан ва кўникмадан ташқари, яна махсус билимлар зарур".

Таникли олимлардан Ю. К. Бабанский, И. Я. Лернер, М. Н. Скаткин мактаб таълими мазмунининг умумий дидактик мезонини ишлаб чиқдилар. Бу мезонлар қуйидагилар:

1. Мактаб таълими мазмунида эркин жамиятда мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантириш вазифаси ва методларнинг умумий таълим нуқтаи назаридан, ўқувчига мослиги;
2. Таълим матни, мазмуни ва амалий моҳияти;
3. Таълим матни мазмунининг ҳажм жиҳатдан мактаб ўқувчиси ёшига мувофиқлиги;
4. Мазмун ҳажмининг ўрганиладиган ўқув фанига ажратилган вақтга мослиги;
5. Умумий ўрта мактаб таълими мазмуни тузилишини белгилашда халқаро тажрибани инобатга олиш мезони;
6. Таълимнинг ҳозирги давр мактаблари ўқув-методик негизига мослиги мезони.

Мактаб таълими мазмунини шакллантирувчи асосий манбалар, бу — фан ва моддий ҳамда маънавий бойлик, ижтимоий мулоқот тажрибаси, маънавий қадриятлар, ижтимоий тушунча шакллари, инсон фаолияти турларидир. Таълим мазмунини бу манбалар асосида шакллантиришда тарихий ва психологик талаблар ҳисобга олинади.

Қуйидаги турлар таълим мазмунининг ўзига хос махсус турлари ҳисобланади:

– табиат, жамият, техника, фикр ва фаолият қобиляти ҳақидаги билим. Бу билимларни ўзлаштириш ўқувчи онгида дунёнинг ҳақиқий кўринишини шакллантиради, фаолиятга онгли ва амалий жихатдан тўғри ёндашишга хизмат қилади;

– маълум фаолиятни амалга оширишдаги тажриба, бу — шахснинг билим, билиш ва малакасини бирлаштирувчи тажриба;

– жамиятда содир бўладиган янги муаммоларни ҳал қилиш бўйича ижодий, изланувчан фаолият тажрибаси. Бу тажриба мустақил равишда ўзлаштирилган билим ва билишни янги шароитда амалга оширишни, фаолиятнинг янги усулларини шакллантиришни талаб этади;

– объект ёки инсон фаолияти воситаларига бўлган муносабат тажрибаси. Бу тажриба ташқи оламга, одамларга муносабатда намоён бўлади

Шундай қилиб, умумий таълим мазмуни, бир томондан, ўқувчининг ўқиш-билиш фаолиятининг муҳим шarti бўлиб, жамиятнинг ҳозирги ва келгусидаги талабини акс эттиради, иккинчи томондан, ўқувчи фаолиятини амалга оширишда муҳим қурол бўлиб хизмат қилади ва шу орқали ўқишда шахсий талаб мазмуни бўлади.

ТАЪЛИМНАЗАРИЯСИ

Педагогик тизимнинг фалсафий асоси

Ҳозирги давр педагогик тузилишнинг негизи ва узвий қисми қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий тузум ва педагогик фикр;
- педагогик, психологик, ижтимоий фанлар;
- илғор педагогик тажриба;
- халқ. педагогикаси.

Ҳар бир умумий педагогик таълимий технология аниқ, фалсафий негизга асосланади. Методология таркибига кирган бу фалсафий ҳолат педагогик технологияни тартибга солиб туради.

Таълим назариясига мувофиқ, дидактик принциплар шакллантирган, бир неча таълим методлари ишлаб чиқилган. Таълимнинг ассоциатив — рефлектор асосида И. М. Сеченов ва И. П. Павлов аниқлаган одам бош мияси фаолиятидаги рефлектор қонунияти туради. Уларнинг таъкидлашича, одам миясида доимий равишда таълим жараёни давом этади.

Улар билдирган фикрни қисқача қуйидагича баён этиш мумкин:

1. Билимни ўзлаштириш, малака ва билишнинг шаклланиши, инсон шахсий хислатининг ривожланиши, бу таълим жараёнининг инсон онгида оддий ва мураккаб тарзда бажарилиш (ассоциацияси) жараёнидир.

2. Билимни эгаллаш, малака ва билишнинг шаклланиши, қобилиятнинг ривожланиши, яъни билиш жараёни қуйидаги изчиллик ва босқичлардан иборат:

- ўқув материалини идрок этиш;
- ундаги ички алоқа ва қарама-қаршиликни ҳис қилиш, тушуниш;
- ўрганилган материални эслаш ва хотирада сақлаш;
- ўзлаштирилган билимни амалий фаолиятда қўллаш.

3. Таълим жараёнининг асосий босқичи назарий ва амалий ўқув вазифаларини ҳал қилишда ақлий фаолиятдир.

4. Таълимда, шароитга риоя қилинган ҳолда, юксак натижага эришилади:

- ўқувчида таълимга фаол муносабат шаклланишида;
- ўқув материални маълум узвийликда ўрганишда;
- ақлий ва амалий фаолиятда турли усуллари қўллаш ва мустаҳкамлашда;
- билимни ўқув ва меҳнат жараёнига тадбиқ, этишда.

Бу назарий фикрлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, ўқув материални эгаллаш уни қабул қилишдан бошланади. Ўқув ахборотни қабул қилишга кўриш, эшитиш, ҳаракатлантирувчи ва бошқа сезги аъзолари жалб қилинади.

Сезги аъзолари ўқув ахборотни қабул қилишда қанча кўп иштирок этса, ўқув ахбороти шунча осон ва чуқур қабул қилинади.

Иккинчидан, онгда тушунча, тасаввур, далиллар маълум ҳажмда бўлган тақдирдагина фикрлай бошлайди.

Ўқув материални тасаввур қилиш жараёнини фаоллаштириш учун материал:

- тушунарли;
- мантиқан ўзаро узвийликда; — тушунарли;
- муҳимлиги аниқланган бўлиши керак.

Бу жараён жадвал, расм, мисолларда ёрқин ва аниқ ифодаланади.

Учинчидан, таълим жараёнида ўқув материални, фақат қабул қилиш ва фикрлаш эмас, балки уни онгда мустаҳкамлаш муҳим ўринда туради.

Ўқувчининг ахборотни қайта эслашида муҳим восита уни онгда қайта тиклашдир. Бунинг учун:

- ўрганилган ахборот бўйича конспект тузиш;
- такрорлаш;
- ҳимоя қилиш;
- тушунтириш;
- ўзлаштирилганни ўртоқларга сўзлаб бериш, кўрсатиш;
- эсланган билимни амалий фаолиятда тадбиқ, этиш лозим.

Тўртинчидан, билимни эгаллашдаги асосий жараён уларни амалиётга тадбиқ, этишдир. Тадбиқ, этиш барча ўқув фаолиятида амалга оширилади.

Ўқувчи шунинг унутмаслиги керакки билимни амалиётга тадбиқ этиш самарали бўлиши учун, ўқувчи бу ишни онгли равишда бажариши, билимни назарий жиҳатдан яхши ўзлаштирган бўлиши керак.

Таълимни бир шаклга келтириш соҳасида олимлар узоқ, даврлардан буён ўқув моделини тузиш устида иш олиб бордилар. Бу вазифани хал қилиш учун эса,

фи-зиологик, психологик, кибернетик, умумий назария тизими ахборот, лингвистик методлардан фойдаланиш керак эди. Кейинги ўн йиллар бу фанлар соҳасида муваффакиятларга эришиш натижасида янги концепция яратилди.

М. И. Потеев томонидан ишлаб чиқилган таълим жараёни қуйидаги жадвалда ифодаланган:

3-жадвал.

Таълимни ташкил этган асосий ютуқнинг ўзаро таъсири

Модель олти асосий босқич — билиш, малакалар ва ижодий фаолият тажрибасидан ташкил топди. Бу босқичларга такрорлаш, умумлаштириш киради. Моделнинг еттинчи қисми — ўрганиш керак бўлган ўқув материалidir. Модель таълимда барча босқичларда эришилган ютуқни таъминлайди.

Дидактик билимлар олий мактаб таълими ўқитувчиси учун худди шундай ҳисобланади. Улар педагогга таълим жараёнининг бориши ва натижаларини таъминлайдиган, бу асосда таълим соҳасидаги амал қиладиган қонуниятларни аниқлашни таҳлил қилишга, мутахассисларни сифатли қилиб тайёрлашдаги самарадор таълим методлари ва воситаларини ва ташкилий шакллари танлашга ёрдам беради.

Дидактикани билиш ва ундан ижодий фойдаланиш кўп ҳолларда олий ўқув юрти ўқитувчисининг педагогик маҳоратини шакллантиришга йўналтиради. Тарихийлик жиҳатидан шу нарса мавжудки, нисбий жиҳатдан ўрта мактаб ва олий ўқув юрти педагоглариининг фаолиятидаги дидактиканинг ролига оид турли қарашлар мавжуд. Бирлари ҳисоблайдики, дидактика ўқитувчини ўқув жараёнини лойиҳалаш бўйича конкрет тавсиялар билан қуроллантириш лозим. Бошқалари эса, дидактика ўқитувчининг ижодий мустақиллигини бўғади, чунки ҳамма нарса унинг ўқитадиган фан бўйича билимининг чуқурлиги даражасига ва педагогик тажрибасига боғлиқ. Шубҳасизки, олий ўқув юрти ўқитувчиси бўлажак мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ кўпчилик вазиятларни ҳал этади. Лекин педагогик ижодкорликнинг мазмуни нимада? Педагогик фаолиятда ўқув дастурлари талабларини ва ижодий ёндашувларни қандай қилиб мувофиқлаштириш м

умкин? Бу сўзнинг тўла маъносида педагогнинг меҳнати тўла маънода ижодкор бўлиши учун нималар зарур?

Бу каби ҳамма саволларга асосли жавоб бериш учун, аввало педагогнинг маҳорати ва ижодкорлиги билан боғлиқ саволларга аниқ жавоб бериш лозим. Бизга маълумки, ижодкорликка қобилият ўзи билан маҳсулот яратиладиган, янгилиги, оригиналлиги ва юксаклиги билан ажралиб турадиган умумий ва махсус қобилиятлар, мотивлар, билим ва малакалар бирлигини кўзда тутди.

Педагог учун ижодкорлик унинг индивидуал меҳнатининг натижаси бўлиб ҳисобланади.

Фараз қилинг, ҳамма ўқитувчилар педагогик қобилиятларида етарлича юксак қобилиятлар ва мотивларга эгалар, лекин уларнинг ҳаммалари ҳам янги маҳсулотни – олий ўқув юртидаги талабаларни ўқитишнинг янги оригинал юқори махсус билимлар мазмуни, таълим таркиби, тамойиллари, методларисиз амалга ошира олармиканлар? Майли, бунга эришиш мумкин. Ўқитувчи узоқ педагогик изланишлар жараёнида педагогик ишнинг қизиқарли далилларини тўплайди. Бу ўринда ҳам К.Д. Ушинскийни эслаб ўтиш ўринли: "Педагогик тажрибакорлик нима дегани? Бу педагог ўзи бошидан ўтказган кўпроқ ёки камроқ миқдордаги тарбия далилларими? Аммо, албатта, агар бу далиллар фақат далиллигича қолса, унда улар тажрибакорликни бермайди". Бу ифодаларга И.П.Павловнинг тажриба ўтказаётиб далилларнинг сиртида қолиб бўлмайди, уларнинг пайдо бўлиш сирларигача кириш, улар томонидан бошқариладиган қонуниятларни оғишмай топиш керак»-, деган сўзлари ҳам мувофиқ келади.

Шуни айтиш жоизки, педагогик фаолиятнинг муҳим мўлжали сифатида олий ўқув юрти педагогларининг тўпланган тажрибалари қаралади. Чунки фақат бошқа педагогларнинг тажрибаларини ўрганиш, ўзлаштириш ва қўллашнинг ўзи зарурий, лекин олий мактаб ўқитувчисининг педагогик тажрибаси учун етарли даражадаги шарт бўла олмайди. Бундан ташқари, ҳаттоки катта тажрибадан оддий нусха кўчириш ҳам педагогик жараённинг

объектив қонуниятлари ҳақидаги билимларсиз салбий натижаларни бериши мумкин.

Олий мактаб ўқитувчисининг педагогик маҳоратини такомиллаштиришнинг энг ишончли йўли сифатида ўзининг педагогик тажрибасини дидактик жиҳатдан идрок қилиш ва дидактикага олий ўқув юртидаги таълим масаларини ҳал қилувчи мўлжали деб қараладиган билимларнинг муҳим соҳаси сифатида мурожаат қилиш ҳисобланади. Яна бир бор шуни такрорлаш зарурки, дидактикада бирмунча умумий масалалар кўриб чиқилади. Олий мактаб педагогининг вазифаси – уларни чуқур тушуниш ва ўзининг педагогик фаолиятини лойиҳалашда улардан ижодий фойдаланишдир.

Ижтимоийлашув жараёни - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш, ҳаёт –фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни бўлиб, бунда ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, кутишлари, таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши ва керак бўлса, шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида таъсирини ўтказа олишдек мураккаб жараёндир.

Ижтимоийлашув жараёнида энг аввало одамлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликдаги турли фаолият амалга оширилади. Одамга кўрсатилаётган ташқи таъсир оддий механик тарзда ўзлаштирилмасдан, балки у ҳар бир шахснинг ички руҳияти, дунёни акс эттириш хусусиятлари нуқтаи назаридан турлича индивидуал тарзда амалга ошади. Шу сабабдан ҳар бир ижтимоий муҳит ва таъсирлар одамлар томонидан турлича идрок қилинади ва уларга жавобан турлича ҳаракатларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Масалан, олий мактаб талабаларини оладиган бўлсак, уларнинг маълумотларни идрок қилишлари, улардан ота-оналарнинг умидлари, ўқитувчиларнинг бераётган дарслари ва унда етказилаётган ахборот ҳамда манбалар ва бошқа қатор омиллар бир хилга ўхшайди. Шу манбаларнинг ҳар бири шу таъсирларни ўзича, ўзига хос тарзда қабул қилади ва бу уларнинг ишдаги ютуқлари, ўқув кўрсаткичлари ва иқтидорида турли натижалар кузатилади. Бу ҳолат эса

ижтимоийлашув ва индустриализация жараёнлари ўзаро боғлиқ ва ўзаро қарама-қарши жараёнлар эканлигини маълум қилади.

Фанда ижтимоийлашув жараёнлари рўй берадиган шарт-шароитлар **ижтимоий институтлар** деб аталади. Буларга оила, мактаб, боғча, махсус таълим муассасалари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари ҳамда норасмий уюшмалар, нодавлат ташкилотларни киритиш мумкин.

Бу институтлар орасида бизнинг шароитимизда оила ва маҳалланинг аҳамияти каттадир. Чунончи инсондаги дастлабки ижтимоий тажриба ва ижтимоий хулқ элементлари айнан оилада, оилавий муносабатлар тизимида шаклланади. Халқимизнинг «қуш уясида кўрганини қилади» деган нақли бежиз айтилмаган. Чунки шахс сифатларининг дастлабки нусхалари оилада олинади ва бу хусусиятлар жамиятдаги бошқа гуруҳлар таъсирида сайқал топиб. Такмиллашиб боради. Бизнинг миллий муҳитимизда маҳалла ҳам муҳим тарбияловчи –ижтимоийлаштирувчи роль ўйнайди. Шунинг учун бўлса керак, баъзан одамнинг (айниқса қизларни) қайси маҳалладан эканлигини суриштириб кейин хулоса чиқаришади. Чунки биз бирга яшаб келаётган маҳаллалар бир-биридан фарқ қилиб, бу тафовут одамлар психологиясида ўз таъсирини четлаб ўтмас экан.

Ижтимоийлашув жараёнига мактаб ва бошқа таълим муассасалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки айнан шу ерда ижтимоийлашув ва тарбия жараёнлари махсус тарзда уйғунлаштирилади.

Ўқитувчи маҳорат эгаси, янгиланувчи, ижодкор бўлиши учун педагогик жараённинг қонуниятлари ва механизмларини эгаллаган бўлиши зарур. Бу нарсалар унга педагогик фикрлаш ва ҳаракат қилишга имкон беради, яъни педагогик ҳодисаларни мустақил таҳлил қилиш, уларни таркибий қисмларга ажратиш, ҳар бир қисмни яхлитга боғлиқ равишда англаш, таълим ва тарбия назариясида кўрилаётган нарсанинг мантиғига ўхшаш бўлган ғоя, хулоса ва тамойилларни топишни; ҳодисаларни тўғри диагностика қилиш, улар қайси психолого-педагогик тушунчаларга киришини аниқлаш; асосий педагогик

масалани (муаммони) ва уларни самарали ҳал қилиш йўллари топишни билиши зарур.

Профессional маҳорат ўз фаолиятига илмий назарияларга амал қиладиган ўқитувчига келади. Табиийки, бунда у қатор қийинчиликларга дуч келади. Биринчидан, илмий назария - бу уммуий қонунлар, тамойиллар ва қоидаларнинг тартибланган бирлигидир, амалиёт эса доим конкрет ва вазиятлидир. Амалиётда назарий билимларни қўллашда ўқитувчи кўпинча келиб чиқадиган бир неча назарий фикрлаш кўникмаларини талаб қиладди. Иккинчидан, педагогик фаолият – бу педагогик жараёни бошқаришга зарур бўладиган ўқитувчининг билимлари жой-жойига тақсимланганда умумлаштириш даражасига келтирилмаган фанлар (фалсафа, педагогика, психология, методика ва бошқалар) юзасидан билимлар синтезининг яхлит жараёнига таянадиган. Бундан шундай хулосалар чиқариш мумкинки, ўқитувчилар баъзан педагогик малакалар билан назариялар таъсирида эмас, балки унга боғлиқ бўлмаган ҳолда, педагогик фаолият ҳақидаги кундалик илмийгача бўлган ҳаётий тассуротлар ёрдамида қуролланади.

Педагогик маҳорат, педагогик фаолият ривожининг юқори даражасини ифодалаган, педагогик технологияни эгаллаган ҳолда, биргаликда шу вақтнинг ўзида педагогнинг шахсини, унинг тажрибасини, фуқаролик ва профессионал ҳолатларини ифодалайди. Ўқитувчининг маҳорати – бу педагогик жараёнинг юксак самарадорлигини белгиловчи шахснинг шахсий – ишбилармонлик сифатлари ва фазилатларининг синтезидир.

Тарбия назарияси Ўрта Осиё мутафаккирларига, халқ педагогикасининг тарбия борасидаги тажрибаларига асосланади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, этика, эстетика, физиология, психология каби фанлар маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси ва мактабшунослик билан узвий боғлиқ.

Тарбия – муайян мақсад асосида шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрловчи, тарихий-ижтимоий тажрибага суятган ҳолда олиб бориловчи жараёндир.

Бошқачароқ айтсак, тарбия ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва ҳуқ-атвори таркиб топтиришга йўналтирилган жарёндир.

Тарбия назарияси Ўрта Осиё мутафаккирларига, халқ педагогикасининг тарбия борасидаги тажрибаларига асосланади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, этика, эстетика, физиология, психология каби фанлар маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси ва мактабшунослик билан узвий боғлиқ.

Тарбия – муайян мақсад асосида шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрловчи, тарихий-ижтимоий тажрибага суятган ҳолда олиб бориловчи жараёндир. Бошқачароқ айтсак, тарбия ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама вояга етказиш, унда ижтимоий онг ва ҳуқ-атвори таркиб топтиришга йўналтирилган жарёндир.

Таълим алоҳида ташкил топган фаолият сифатида, биологик, психологик, ижтимоий қонуниятлар асосида шаклланган инсон ривожини тезлаштиради. Бола таълим жараёнида атроф борлиқни, таълим жараёнидагига нисбатан чуқурроқ ҳис қилади. Инсоннинг ижтимоий-тарихий қонуниятлар ривожини англашига, меҳнат жараёнидаги фаолиятига ёрдам беради. Инсон шахси ривожи таълим жараёнида англаб олинади.

Бола мустақил ҳолда илмий билим тизимини англаши учун, бу тизимни ўзлаштириши керак. Шунинг учун ҳам, таълимда инсон тажрибаси акс эттирилган ўқув қўлланмаси, дарслик алоҳида ўрин тутади.

Таълим – ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро фаолияти. Белгиланган мақсад, мазмун ва дастур ўқитувчининг фаолияти орқали амалга оширилади. Ўқишни бошқариш кутилган натижани ҳосил қилади.

Ўқиш – ўқувчининг фаолияти. Ўқитувчи ўқувчининг ёрдамида таълим вазифаларини бажаради, инсониятнинг ижтимоий – тарихий тажрибаларини ўзлаштиради.

Ривожланган педагогик фаолияти кишини ўзи дуч келадиган ҳодисаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш тажрибаси билан бойитади. Бу эса ўз шериклари аҳволини фаҳмлаб, билиб олиш ва улар ҳақида ҳукм юритиш қобилиятини оширади. Ниҳоят педагогнинг талабалар билан кундалик муомиласи шунга олиб келадики, у талабаларнинг хатти ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий сабабини турли вазиятларда пайқаб олади, бунинг учун намуна сифатида ўзи тез — тез қайд қилган далиллардан ва талабаларнинг хулқ—атвор усулларидан фойдаланилади. Бу нарса педагогик фаолиятида айниқса сезилиб туради. Бу қонуний бир ҳолдир. Чунки "Биз кундалик ҳаётда одамлар билан муомалада бўлар эканмиз, уларнинг хулқ — атворини билиб оламиз, чунки биз уни гуё ўқигандай" бўламиз, яъни хулқ — атворнинг ташқи кўринишлари аҳамиятини тушуниб оламиз ва шу тариқа контекста ҳосил бўлган ўзининг ички психологик режасига эга бўлган текстни маъносини очиб берамиз. Бу "ўқиш йўл — йўлақай бўлади, чунки атрофимиздагилар муомала жараёнида бизда уларнинг хулқига доир маълум даражада автоматик тарзда мавжуд бўлган психологик маъно ҳосил бўлади.

Педагогнинг талабалар билан муомаласи улар ўртасидаги узвийликни тўлдирувчи вазифасини ҳам бажаради. Шу муносабат билан тарбия узлуксиз жараён эканлигини назарда тутиш керак. Талабаларга нисбатан тарбиявий вазифани бажарувчи катта ёшдаги кишилар, унга доимий таъсир этувчи тизимига эга эмас. Ҳар бир талабага ҳар хил таъсирлар оқими етиб боради. Улар бир —бирлари билан унчалик мос келмаслиги ва маълум даражада бири иккинчисига зид келиши мумкин. Педагогнинг ўз тарбияланувчиларига кўрсатадиган турли туман таъсирлари унга тузатиш киритишга интилишига боғлиқ. Албатта, бунга талабаларга муносабат унинг шахсий сифатларига қараб бошқарилади. Муаммоларнинг кўп ёки оз даражада бўлиши инобатга олинади. Педагогик қобилиятлар структурасида ақл, идкрок, ҳозиржавоблик, танқид кўз билан қараш, собитқадамлик, нотиклик, сўз бойлиги ва ҳоказолар муҳим роль ўйнайди.

Таълимнинг етакчи элементи мақсад ҳисобланади. Педагог ўқув жараёнининг болалар билан ўзаро таъсирининг идеал натижаларини тасаввур қилади. Умумий ва бош мақсадлар – болаларга билим, малака, кўникмаларнинг жами ўқувчиларнинг ақлий имкониятларини ишга солувчи мақсадларни қўяди. Педагог ўз олдига доим билимларни эгаллашга қаратилган хусусий конкрет мақсадларни қўяди. Умумий ва хусусий мақсадлар билан бирга ўқув жараёнида қўшимча мақсадлар ҳам бор: шахсни шакллантириш, юқори тарбиявий натижаларга эришиш. Мақсадларнинг руҳий-педагогик аҳамияти шундаки, ўқитувчининг ижодий кучларини мобилизация қилади ва таълим жараёнини ташкил қилади, ўқувчиларнинг ўзаро таъсири ва самарадорлигини оширади, бирмунча самарадор мазмуни, методлари, иш шакллари назарда тутлади. Агар мақсадларни ўқув жараёнида нафақат ўқитувчи, балки ўқувчи ҳам тушунса, мақсад бирмунча тезкорроқ темпда ишлайди.

Энг асосий элементлардан бири, ***ижтимоий тажрибаларнинг мазмуни***, ўқувчилар тамонидан ўзлаштирилиши ҳисобланади. У объектни ўтказиш, ўқитувчининг иши ва ўқувчиларнинг онгли ўзлаштириш методи ва ақлий ривожланиш кучлари ва таълимнинг билим ва малкалари манбаидир. Фан ва санъат, ***ижтимоий ўзлаштиришнинг*** бошқа шакллари инсонга зарурий ахборотларнинг катта миқдорини ўзида ифода қилади. Илмий ахборотлар ўқув жараёнининг элементи бўлиши учун қайта ишланиши, ҳаёт учун долзарблиги нуқтаи назаридан танланиши конкрет ижтимоий-тарихий ривожланиш шароитидаги ўқувчининг ёш давларини ҳисобга олаган ҳолдаги ***тажриба-синов йўли***, қийинлик даражаси, ўқувчилар учун зарурий ахборотларнинг ўзлаштириш даражаси ва фойдаланиш даражаси билан педагогик фан томонидан йўқотилиб боради.

Таълим жараёнининг марказий фигураси. Унинг субъекти бўлиб ўқитувчи – таълим ва тарбия мазмунининг ташувчиси, болалар бутун онгли фаолиятининг ташкилотчиси ҳисобланади. Унинг шахсида педагогик кадр-қимматнинг объектив ва субъектив хусусиятлари ифодаланади. У объектив

билим, малака ва кўникмаларнинг миқдорини ўзлаштиради ва шахсий қобилиятлари меъёрида уларни шакллантиришни ташкил қилади.

Инсоннинг дунёга келиши, туғилиши бу табиий-биологик ҳодиса. Унинг ўз замонасининг ривожига даражасига кўтарилиши, мавжуд тажрибаларни эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, тарихий жараённинг фаол иштирокчисига айланиши учун ижтимоий ҳодиса – таълим-тарбия берилиши зарур. Таълим-тарбия кишилик жамияти ибтидосидаёқ пайдо бўлган. Катталар турмуш жараёнида ўзлари орттирган тажрибаларни ўзидан кейинги авлодга ўргатиб борганлар. Кичик авлод эса ўз фаолияти давомида яна янги муаммоларга дуч келиб, уларни ечиш баробарида янги билим ва кўникмаларни эгаллаб, олдинги авлоддан мерос қолган билимларини янада бойитиб ўзидан кейинги авлодга қолдиради.

Табиийки тарихий ривожланиш жараёнида таълим-тарбия жараёни ҳам ривожланиб, мукаммаллашиб борди. Ибтидоий даврнинг узида билим бериш ҳам табакалашиб борган. Масалан; қабила бошлиқларининг фарзандларига қабилани бошқаришда зарур бўладиган билимлар бериш, диний ақидаларни, ҳарбий билимларни ўргатиш, энг пастки табақа болаларига меҳнат қилиш, ишлашни ўргатиш зарурияти туғилган.

Қулдорлик даврида ҳам қулдорларнинг болалари ҳукмронликка, бошқарувчиликка, ҳарбий санъатга тайёрланади, қулдорларнинг болалари эса оғир ишларни қилишга ўргатилди. Мана шу жараёнда сабоқ бериш, ўргатиш, ўқитиш зарурияти туғилди. Жамият ривожлангани сари махсус, шу соҳани эгаллаган одамларга эҳтиёж туғилди.

Кейинчалик мактаб ва кўп сонли ўқувчиларга эҳтиёж туғилди. Ҳозирга келиб эса янги-янги махсус ўқув юртлари вужудга келди.

Жамият ривожлангани сари шу жамият талабига жавоб берадиган шахсларни етиштириш эҳтиёжи ҳам ортиб борган. Ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида тажрибаларнинг бойиши, назарий жиҳатдан кенгайиши

ва ҳаётда қўлланилиши натижасида педагогика алоҳида фан сифатида ривожланди.

Педагогика – ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мазмуни, мақсади ва вазифалари, моҳияти, қонун-қоидалари, услублари, ташкилий шакллари, амалий асослари, педагогик фаолият ҳақидаги фандир.

Педагогика айниқса бугунги нотинч ижтимоий ўзгаришлар даврида, ҳар бир инсоннинг ўзига хос уникаллигида, билимларнинг кўп қирралилигида, ҳаётий вазиятларнинг бир-бирига ўхшамаслигида, мураккаблигида жуда ҳам зарур. Педагогика фанининг объекти барча таълим олувчилардир.

Педагогик тажриба асоси педагог-муаллим фаолиятининг маҳорати ва ўқувчиларнинг бу фаолиятдаги ролининг йиғиндисидан ташкил топади;

Педагогик тажриба муаллимнинг олий ўқув юртини тугатгандан сўнг аста-секин тўпланиб, у реал педагогик фаолият даврида аста-секин юзага кела бошлайди. Илғор педагогик тажрибанинг пайдо бўлиши ва ўсишида қуйидаги касбий педагогик билимлар мажмуи ётади:

а) Таълимнинг мақсади асослари.

б) Ўқувчилар таълимининг мазмуни ва давлат таълим стандартлари, талаблари.

в) Ҳар бир ўқувчининг психологик-педагогик диагностик маълумотлари ва шунингдек, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.

г) Педагогик фаолиятга тизимли ёндошув асослари, унинг мазмуни, тузилиши ва моҳиятлари.

д) Ўқитувчининг керакли касбий зарурий шахсий сифатларини билиши;

е) Ҳозирги замон педагогик жараёни ривожланишининг асосий тенденциялари.

Бу кўрсатилганларнинг қайси бирларининг йўқлиги ёки ривожланиш даражасининг етарлича юқори бўлмаслиги ўқитувчининг юксак даражали маҳорат ҳосил қилиш имконини бермайди.

Касбий-педагогик билимлар ва кўникмалар умумий ҳолда қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

Ўқув фаолиятининг объекти сифатида таълим мазмунини танлаш, дидактик ташкил этиш ва узатиш;

Ўқувчилар билан мулоқотда бўлиш; ўқув жараёнида ривожлантириш ва тарбиялашдан фойдаланиш, ўқувчиларда фаолиятнинг мазмунини ўзлаштиришни амалга ошириш;

Ўқитувчилик фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

Педагогик қобилиятларни ва касбга аҳамиятли сифатларни ривожлантириш;

Бутун тизимга тўла равишда таъсир кўрсатувчи қуролларни яратувчи педагогик жараённи ташкил этиш.

Билиш ва кўникмалар педагогик маҳорат асосларини таркибий қисмини ташкил этгани ва амалий фаолият маҳсули бўлгани учун улар исталган касбий фаолиятда катта роль ўйнайди.

Г.Н.Кузмина таъкидлашича, «Педагогик маҳорат» - бу инсон томонидан ҳосил қилинган қобилият бўлиб, у маълум фаолиятлар натижасида ҳосил қилинган билимлар ва кўникмалар асосида яратилади.

Шундай қилиб, педагогнинг билимлари, билимдонлиги ва кўникмалари педагогик маҳоратнинг ташкилий қисми бўлиб, улар икки хил бўлиши мумкин:

А) касбий педагогик фаолиятга тайёрланиш жараёнида қабул қилинган;

Б) касбий педагогик фаолият жараёнида қабул қилинган;

Шербаков бўйича «Педагогик маҳорат» бу ўқитувчи шахсининг барча руҳий хусусиятлари, унинг билимлари, билимдонлиги ва кўникмалари йиғиндисининг ифодасидан иборат.

Бу каби таърифларда шахснинг роли катта, албатта. У ўз билимлари, билимдонлиги, кўникмалари ўзининг шахсий сифатлари, ижодини ишга солиб, ўқувчилар билан биргаликдаги фаолиятини ташкил қилади. Бу ҳолда ўқитувчининг шахсий хусусияти катта аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, педагогнинг шаклланиши лозим бўлган педагогик маҳоратининг асосини қуйдагилар ташкил этади: педагог шахси, билимлари ва *педагогик тажрибаси*.

Таълим–тарбияда ўқитувчи–мураббийларнинг педагогик маҳоратини мукаммал эгаллаши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу боис жаҳоннинг барча олий юртларида бу масалага алоҳида ёндашув амалга оширилмоқда.

Педагогик маҳорат педагогик ихтисослиги фаолиятини мустақил тарзда юқори даражада ташкил этишни таъминловчи шахсий хусусиятлар мажмуасидир.

Педагогик маҳорат бир қатор компонентлардан таркиб топади. У педагогика ва психология бўйича илмий билимларни, яъни касбий билимлар, касбий қобилият, педагогик этика ва педагогик техникани ўз ичига олади.

Ўз фанини яхши биладиган, аммо педагогик малакага эга бўлмаган педагог ўқув жараёнида яхши натижага эриша олмайди. Чунки, ўз билимларини талабаларга етказиш усулларини такомиллаштириш устида ундай педагог бош қотирмайди. Методик илмий-тадқиқотлар олиб бормайди. Натижада ўзлаштириш паст бўлади. Шунинг учун олийгоҳ педагоглари нафақат ўз фанларини, балки методикани ҳам билишлари ва ўз фаолиятларида методик изланишда бўлишлари лозим. Педагог илмий тадқиқот олиб бориш усуллари билан таниш бўлиши ва талабаларни илмий тадқиқот ишига тортиши келажакда актив позицияга эга бўлган шахсларни вужудга келишига ёрдам беради.

Намунавий дастур, дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалар фаннинг ҳозирги ривожидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Педагогнинг вазифаси айнан шундан иборатки – у мавжуд стандартлардан келиб чиққан ҳолда ва ўқитаётган талабаларнинг индивидуал хусусият ва билимлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнини шундай ташкил этиши керакки, бу жараёнда талаба актив иштирок этсин, чарчамасин, қизиқсин, янги билимга эга бўлсин ва дарс охирига бориб ўз билимини қўллай олиш даражасига етсин. Ҳулоса қилиб айтганда педагогдан ахборотни тез, осон

еткизиш, ўқув жараёнини ҳамма элементларини мувофиқлаштириш талаб этилади.

Дастурда белгилаб қўйилган билимларни турли хил йўллар билан талабага етказиш мумкин, аммо, педагогнинг вазифаси энг қулай усулни топишдан иборат. Дастургагина боғланиб қолиб уни измида бўлиш шарт эмас. Программа асос бўлиб хизмат қилади, аммо, педагог бу дастурга ижодий ёндашиши ва талабаларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда унга ўз ўзгартиришларини киритиши мумкин. Ўқув жараёнини унумли бўлганлигини билдирувчи асосий ҳосил қилиш ва мустақил таълим билан шуғулланишига тurtки бўлади.

Талабаларнинг билиш жараёнида педагогнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Педагог ва талаба орасидаги жонли мулоқот талабага камроқ вақт сарфлаб билимларни эгаллашга ёрдам беради.

Касбий - педагогик фаолиятнинг мавафқияти хусусий педагогик қобилиятларга боғлиқ бўлади. Педагогик қобилиятларнинг қуйидаги гуруҳлари фарқланади:

- объектга (талабага) нисбатан сезгирлик;
- коммуникативлик - инсонларга юз тутиш, хайрихоҳлик, муомалалилик;
- перцептив қобилиятлар - касбий етуклик, импатия, педагогик туйғу;
- шахс динамикаси – иродага таъсир эта олиш ва мантиқий ишонтира олиш қобилияти;
- ҳиссий барқарорлик - ўзини бошқара олиш;
- креативлик - ижодий иш қобилияти.

Педагогнинг хусусий қобилиятларига билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш шахсни тарбиялаш қобилияти ҳам тегишлидир.

Ўқитиш, ўрганиш ва ўргатиш бўйича қобилиятларига қуйидагилар киради:

- талабани тушуниш, кўриш ва сезиш, бундай тушунишнинг даражасини ва характерини ўрнатиш қобилияти;

- ўқув материални мустақил танлаб олиш, ўқитишнинг самара берувчи усул ва методларини белгилаш қобилияти;

- талабаларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш қобилияти;

- ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш қобилияти;

- талабаларнинг катта одимлар билан ривожланишини ташкил этиш қобилияти;

- ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш қобилияти;

- ўзининг тажрибасини бошқалар билан баҳам кўриш қобилияти;

- мустақил таълим олиш ва мустақил такомиллашиш қобилияти.

Педагогик жараёнга қаратилган педагогик қобилиятларга қуйидагилар киради:

- бошқа инсоннинг ички ҳолатини тўғри баҳолаш, унга ҳамдардлик билдириш, ҳамнафас бўлиш қобилияти (импатия қобилияти);

- тақлид қилиш учун намуна бўлиш қобилияти;

- тарбия жараёнида индивидуал хусусиятларни инобатга олиш қобилияти;

- мулоқотнинг лозим топилган услубини, ўз ўрнини топиш, келиша олиш қобилияти;

- ҳурмат қозониш, талабалалар ўртасида обрўга эга бўлиш қобилияти.

II-БОБ. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ.

2.1 Педагогларнинг профессионал потенциалини такомиллаштириш масалалари.

Муаллимлик касбининг шарафлилиги, нафақат, унинг ўқитувчи, турли билимларни ўргатувчи ва мохир тарбиячи бўлганлиги учунгина эмас, балки унинг ўзи танлаган олий ўқув юртидаги барча мутахассисликлар бўйича махсус фанларни ва уларнинг пойдевори бўлган фундаментал фанларни ҳамда ўқитиш ва тарбия беришни, психология ва педагогика асосларини аъло даражада эгаллаган бўлиши шарт.

Шу билан бирга ўз касбининг устаси бўлган муаллим турли даражадаги билимга, хоҳиш ва иродага ҳамда тарбияга эга бўлган талабаларни ажойиб санъаткор каби ўзига эргаштира олиши зарур. Бундай касбий педагогик хусусиятга эга бўлган муаллим ўзига қуйидаги мажбуриятларни олиши керак: **Биринчидан**, ёш педагог, тарбиячи келажакдаги педагогик фаолияти учун ўзининг имкониятларини баҳолаши, ўзининг кучли ва кучсиз томонларини билиши, касбий педагогик тайёргарлик даврида қандай касбий зарурий сифатларни шакллантириш кераклигини ва яна қандайларини мустақил педагогик жараёнда шакллантириши кераклигини билиши лозим. **Иккинчидан**, ёш педагог интеллектуал фаолиятининг умумий томонлари (тафаккур, хотира, қабул қила олиши, кўз олдига келтириши, эътибори)ни хулқ-атвор маданияти ва шу жумладан, педагогик алоқани эгаллаган бўлиши шарт. **Учинчидан**, педагог учун мажбурий дастлабки шарт-шароит муваффақиятли фаолияти асоси бўлган ўқувчини ўзининг тенгқури деб қараши ва унинг хулқ-атвори ўзаро алоқасидаги конун-қоидаларни билиши керак. Педагог, тарбиячи ва тарбияланувчини, унинг барча хусусиятларидан катъий назар, билиши ва қабул қилиши шарт. **Тўртинчидан**, педагог нафақат талабалар ўқиш фаолиятининг ташкилотчиси ва ўқиш жараёнини ташкил

этувчиларнинг ўзаро алоқасини илҳомлантирувчи бўлиб хизмат қилиши билан бирга маълум маънода билим, тарбия бериши ва демак, умумий мақсадларга эришишда уларнинг дўсти сифатида қатнашиши зарур. Бу эса талабалар олдида доимо ўзларининг ташкилотчилик, коммуникатив хусусиятларини педагогик-психологик билимларни ўзлаштириш жараёнида ривожлантириб боришларини ва улардан педагогик амалиётларида самарали фойдаланишга интилишларини юзага келтиради. Педагоглар учун ҳам Гиппократ қасамини тааллуқли деб қаралса, уни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Талабадаги инсонийлик ва шахсликни ҳурмат қилиш, ўзингизга қандай муносабатда бўлишларини хоҳласангиз, уларга ҳам шундай муносабатда бўлинг:

1. Доимо ўзингизни ривожланиш ва ўсишга, ўқишга унданг, зеро, қимқи ўзи билмаса, бошқаларда ўқишга иштиёқ туғдира олмайди.
2. Талабаларга билимни шундай берингки, токи, улар ўзлаштиришни хоҳласин ва ўзлаштирасин.
3. Ўқитишнинг мақсади фақат талабага маълум билимларни беришдан иборат бўлмай, уларда мустақил ва ўқитувчи ёрдамисиз юқори чўққиларни эгаллаш малакаларини яратишдан иборат.

Республикадаги барча ихтисосликлардан 86 йўналиш учун касбий педагог бакалаврлар ва педагог магистрларни тайёрлаш амалга оширилмоқда, бу йўналишларда тайёрланаётган педагог бакалаврлар асосан академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун мўлжалланган бўлса, шунча миқдордаги педагог магистрлар мос равишдаги олий ўқув юртлари учун педагог ўқитувчилардан иборат бўлмоқда.

Ҳозир дунёнинг барча мамлакатлари асосан узлуксизликни ташкил этувчи янги таълим тизимини ишлаб чиқиш фикридадирлар.

Таълим ва узлуксиз таълим тизимининг ривожланиши педагоглик касбининг етарлича ўзгаришига олиб келади. Ўқитиш ва тарбия жараёнидаги мутахассислар сонининг узлуксиз ортиши юзага келади. Бу ҳол педагоглик

касбининг нафақат кескин ортишига ва турларининг кўпайишига олиб келади.

XXI аср талабига кўра, ўқитувчиларни тайёрлаш тизимини замонавийлаштиришнинг умумий томонлари:

-ўқитувчиларнинг асосий қисмини олий таълим, университетлар тайёрлай бошлади, бу эса ўқитувчилар касбини бошқа мутахассислар даражасига кўтариб, уларнинг жамиятдаги ролини оширишга олиб келади;

-педагогик таълимнинг кўп сатҳли ва вариантлигига ўқитувчилар ва бошқа мутахассислар турли давомийликда тайёрлана бошланди (бакалавр, мутахассис, магистр);

-педагогик таълимда умумтаълим қисмларини кучайтириш. Ўқитувчи ўзининг мураккаблашган функцияларини бажариш учун кўп томонлама ва юқори билимли, руҳан бой, инсон табиатини ўткир сезувчи инсон бўлиши шарт.

-бошқа йўналишдаги мутахассисларни ҳам ўқитувчиликка тайёрлаш ва ҳоказо.

Олий ўқув юртларида ёки бошқа ўқув муассасаларида турли хил даражали мутахассисларни учратиш мумкин. Улар ўз фани ва соҳаси бўйича олий мутахассис, кучли билимдон бўлиши мумкин, лекин педагогик маҳорат, яъни ўз билимини етказа олиш, тушунтира билиш, ўқитиш услуги, талабаларнинг руҳий хусусиятларини билиш, педагогик такт ва педагогик техника кабиларга эга бўлмаслиги мумкин. **Педагогик маҳорат** – бу педагогик фаолият муваффақиятини аниқловчи профессионал хислатлар тизимидир.

Инсон ҳаёти учун энг кучли жавобгар бўлган касб – бу педагогик касбидир. Шифокорнинг биргина хатоси бир инсон ҳаётига таъсир кўрсатади, лекин педагогнинг биргина хатоси кўплаб ёшларнинг ҳаётида салбий асорат қолдириши мумкин. Чунки у ёшларнинг онгини тўғри ривожлантириши, бўлажак шахсига хос бўлган фазилатларни таркиб

топтириши, уларда умид ва ишончни уйғотиши, келажагини тўғри ташкиллаштиришдек масъулиятли вазифани бажаради.

Педагог – бу махсус тайёргарлик кўрган ва педагогик фаолият билан профессионал шуғулланадиган инсон. Непрофессионал педагогик фаолият билан деярли ҳамма инсонлар шуғулланади, лекин айнан педагог нимани, нима учун, қандай қилиб, қаерда ва қачон бажаришни билади. У ўз касбининг мақсад-вазифалари учун кучли жавобгар. Педагог ҳар бир, ёш авлод, жамият тақдири ва келажаги учун жавобгарлиги билан фарқланади.

Педагог меҳнатининг натижасига қараб келажак белгиланади

Инсон ўзини танибдики, у билан бирга ўқитувчи ҳам бор. Ҳар бир инсон тақдири у билан боғлиқ, унинг қўлидан ўтган. Қадимда бу касб илоҳий саналган. Ҳозирда бу ҳаммабоп касб ҳисобланади. “Немис халқини ҳақиқий немис халқ ўқитувчилари тарбиялаган” деган эди О.Бисмарк. Ўқитувчи қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Ўқитувчи артист, санъаткор, таълим олувчиларни ва ўз ишини севувчи, уни жондили билан бажарувчи бўлиши керак. Инсонлар ҳар доим уларга нисбатан қаттиқ талаб қўйишган.

Мутахассис педагогнинг асосий вазифалари.

1. Педагогик вазиятларни ўрганиш ва ўзлаштириш.
2. Педагогик мақсад ва вазифаларни аниқлаш.
3. Ўқув материали мазмуни устида ишлаш
4. Ахборотларни педагогик таҳлил қилиш
5. Талабаларда ўқув ҳамда ижтимоий малака ва кўникмаларни шакллантириш.
6. Талабаларнинг руҳий функциялари ва ҳолатларини ўрганиш
7. Талабаларнинг ўқиш мотивацияларини ривожлантириш.
8. Таълим-тарбия усуллари ва шаклларида фойдаланишни билиш.
9. Ўз педагогик фаолиятини ривожлантириш режасини яратиш.
10. Мулоқотда психологик ҳавфсизлик шароитларини яратиш.

Ўқишга бўлган қизиқиш нафақат ўқишдаги қийинчиликларга боғлиқ, балки педагогнинг талабаларга бўлган муносабатидан ҳам келиб чиқади.

(Педагог – предмет – талаба). Педагог ва талабанинг муносабатидан предметни қандай ўзлаштириш натижаси келиб чиқади. Математика ўқитувчисини ёқтирмаган таълим олувчи математика фанини ҳеч қачон самарали ўзлаштиролмайди. Адабиёт ўқитувчисини тушунмай туриб санъатни севиб бўлмайди. Ўқитиш жараёнида эмоционаллик ва ҳиссиётлар ҳам муҳим. Бу билан илмни тўлдириб бўлмайди, лекин унинг ёрдамида осон, тушунарли ва тез идрок қилинадиган жараённи яратиш мумкин.

Педагогик мулоқот педагогик жараёнда ўз вазифалари ва ролларини бажаради. Педагогик мулоқот ва бошқариш усуллари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги ва шахс ривожланишини белгилайди.

Авторитар усул. Бу усул қаттиққўллик, ўта талабчанлик, мажбурлаш билан бошқариш ва назорат қилишдан иборат. Буйруқ, кўрсатма бериш, жазолаш ва огоҳлантиришдан кўпроқ фойдаланилади. Талабаларга, уларнинг мустақил фаолиятига, масъулиятига ишончсизлик билан ифодаланади. Авторитар педагог ҳар бир ташаббусни ўзбошимчалик деб ҳисоблаб, уни қатъий инкор этади. Чунки ташаббус ва мустақиллик унинг авторитетига ва ўзига нисбатан ишончига салбий таъсир қилади. Бу усул талабада кўрқув, иродасизлик, қатъиятсизлик, ҳимоясизлик ҳиссини ва ўзига паст баҳо беришни келтириб чиқаради. Педагог ўз обрў-эътиборини жуда юқори тутади, талабалардан узоқроқ бўлишга интилади (ўзаро муносабатда дистанция сақлайди). У талабаларга таъсир қилиш керак бўлган объект сифатида қарайди. Талабларининг бажарилишини қаттиқ назорат қилади. Ўз ҳуқуқларидан кучли фойдаланган ҳолда вазиятларни ўзи ҳал қилади, ўзи қарор чиқаради ва фаолиятни ўзи белгилайди. Бунда талабаларнинг бор кучи, диққат-эътибори билим эгаллаб, ривожланишга эмас, балки ўзини психологик ҳимоя қилишга қаратилади. Мулоқотда талабаларни танлайди, уларнинг билими ва ютуқларини паст баҳолашга мойил. Бу билан у таълим-тарбия мақсадларига эришмоқчи бўлади, лекин бунинг акси бўлиб, талабаларда ўзига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади, фақат педагог назорати ва талаби остидагина фаоллашадилар. Бу усулнинг биргина

афзаллиги тартиб ва масъулият (мажбурият остида бўлса ҳам) юзага келишидир.

Демократик усул. Педагог талаба билан мулоқотда талабага тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида қарайди. Гуруҳ билан биргаликда ишлайди. Талабалар билан мулоқотда ҳаммага тенг, уларни кучли ва кучсизларга ажратмайди. Талабаларнинг мустақил фикри ва фаолиятини, ташаббусини ривожлантиради ва рағбатлантиради. Талабанинг фақат ўзлаштиришини эмас, балки унинг шахси, руҳий ҳолати, фаолияти, индивидуал сифатларини ҳам инобатга олади. Бу усулнинг асосий хусусияти – гуруҳнинг фаол иштироки, ўзаро ёрдам ва умумий ютуқлардан фохрланишга имконият яратилади. Бу усул талабаларда психологик қониқиш ҳиссини, ўз кадр-қиммати ва ўзига нисбатан ишонч туйғусини ҳосил қилади. Натижада ўқув фаолиятига бўлган ички ижобий мотивация, қизиқиш ва масъулият ривожланади.

Либерал усул. Педагог педагогик жараён учун жавобгарлик ва масъулиятдан қочади. Ўта бепарволик, кечирувчанлик, кўнгилчанлик, қатъиятсизлик ва иккиланишни намоён қилади. Талабаларга ўта эркинлик ва мустақиллик муҳитини яратиб беради. Уларнинг истак-хоҳишларига берилади, ўзи фаоллик кўрсатмайди. Асосий ўқув фаолиятини амалга оширишни, қарор чиқаришни талабалар ихтиёрига қўйиб беради. Педагог гуруҳни бирлаштиролмайди, ички низоларни бартараф этолмайди. Натижада гуруҳда тартибсизлик, дангасалик, фаолиятсизлик ва масъулиятсизлик келиб чиқади. Ўқув вазифалари кам бажарилади, сифат ва натижа қониқарсиз бўлади. Бу усул мустақил ривожланиш малакаси мавжуд талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда қўл келади. Шу сабабли бу усулни гуруҳга нисбатан эмас, балки айрим талабалар шахсига нисбатан қўллаш лозим.

Бу усулларнинг барчаси ўз афзаллик ва камчиликларига эга. Шунинг учун улардан ўз вақтида, талабанинг шахсий-индивидуал хусусиятларини

ҳисобга олиб, шароит ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогнинг жавобгарлиги жуда юқори, шу сабабли педагогик фаолият билан қобилиятли ва иқтидорли инсонларгина шуғулланиши лозим. Мутахассисларнинг айтишича, қобилиятнинг мавжуд эмаслигини бошқа муҳим сифатлар – меҳнатсеварлик, ўз ишига масъулият, ўз устида доимий ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш ва фаоллик билан тўлдириш мумкин. Шунинг учун педагогнинг муҳим профессионал сифатлари – меҳнатсеварлик, ишга лаёқат, тартиблилик, масъулият, жавобгарлик, қатъиятлик, ўз меҳнат сифатини доимий ошириб боришга интилиш ва ҳ.к.лардир.

Ёш педагогга қўйиладиган биринчи талаб - бу педагогик қобилиятларнинг мавжуд бўлишидир.

1. **Ташкилотчилик қобилияти** – талабаларни бирлаштириш, вазифалар билан банд қилиш, жавобгарликни тақсимлаш, умумий топшириқлар бажаришда кўринадир.

2. **Дидактик қобилияти** – ўқув материални, кўргазмаларни танлаш ва тайёрлаш, талабаларнинг билишга нисбатан қизиқиш ва эҳтиёжларини рағбатлантириш, ўқув фаоллигини оширишда намоён бўлади.

3. **Перцептив қобилияти** – талабанинг маънавий дунёсига кира олиш, руҳий-эмоционал ҳолатини аниқлаш ва объектив баҳолай олиш, педагогик интуиция ва эмпатияда кўринадир.

4. **Коммуникатив қобилияти** – талабалар, ҳамкасблар ва раҳбарият билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабат ўрнатиш, мулоқотга тез киришиш, экстровеертликда намоён бўлади.

5. **Суггестив қобилияти** – талабаларга эмоционал иродавий таъсир кўрсатиш, уларни ўз имкониятларига ишонтира олишда кўринадир.

6. **Илмий-тадқиқотчилик қобилияти** – педагогик вазият ва жараёнларни ўрганиш ва баҳолаш малакалари тушунилади.

7. **Нутқ қобилияти** – аниқ ва ишончли, эмоцияли, маданиятли, луғатий жиҳатдан бой нутқ техникасига эга бўлиш.

Ўқув-тарбиявий жараёнда педагогнинг инсоний хислатлари алоҳида муҳимлик касб этади. Бу хислатлар қаторига инсонийлик, адолатлилик, меҳрибонлик, сабр-бардош, тўғрилиқ, ҳақиқатгўйлик, жавобгарлик, адолатлилик, мажбурийлик, объективлик, саҳийлик, инсонларга бўлган муҳаббат, ҳурмат, юқори маънавиятлилик, оптимизм, эмоционал вазминлик, мулоқотга бўлган эҳтиёж, тарбияланувчилар ҳаётига бўлган қизиқиш, олижаноблик, ўз-ўзини танқид қилиш, дўстсеварлик, вазминлик, кадр-қиммат, ватанпарварлик, диний эътиқод, принципиаллик, эмоционал маданият ва бошқалар киради.

Талабаларга қуйидагиларни ўргатиш зарур:

- Ўз-ўзини ҳурмат қилиш қанча юқори бўлса, ўқиш натижалари ҳам шунча яхши бўлади.
- Ўқишдаги муваффақиятлар ўқув жараёнини тезлаштиради.
- Ўқишдаги муваффақиятсизликлар эса ўқишни ташлаш истагини пайдо қилиши мумкин.
- Хушчақчақлик ва қизиқиш сезгилари ўқишни осонлаштиради.

М у к а м м а л п е д а г о г			
Мутахассис	Ишчи-ходим	Инсон	
• Педагогик назарияни, қонуниятларни билиш • Таълим	• Аниқ мақсад қўйиш ва унга эришиш малакаси	• Юқори маънавий сифатларга эга бўлиш • Ижтимоий	

жараёнининг психологик хусусиятларини билиш • Таълим-тарбия технологияларини эгаллаш • Касбига ва соҳасига бўлган муҳаббат • Талабаларга бўлган муҳаббат ва ишонч • Педагогик маҳорат ва қобилиятга эга бўлиш • Умумий эрудиция • Оптимизм • Тез ва аниқ таъсир кўрсата олиш • Эмоционал вазминлик, босиқлик • Ишбилармонлик • Нутқининг аниқ ва ишончли бўлиши • Талабчанлик	• Вақтни тақсимлай олиш малакаси • Меҳнат самарасини оширишга бўлган эҳтиёж • Ижод қила олиш қобилияти • Доимий равишда малака ошириш • Ишга, меҳнатга ва фаолиятга бўлган эҳтиёж • Жамоада ишлай олиш малакаси • Қатъиятлик • Интизомлик • Масъулият • Фаоллик • Жавобгарлик	ҳаётда фаол иштирок этиш • Фаол ҳаётини нуктаи-назарга эга бўлиш • Ҳаммага ва ҳамма нарсанда намуна бўлиш • Миллий ғурур • Соғлом турмуш тарзи • Инсонийлик ва инсонпарварлик • Диний эътиқод • Мулоқотга бўлган эҳтиёж • Самимийлик • Ўз ҳаракатларига объектив танқидий муносабатда бўлиш
---	--	---

•Ташкилий малакалар • Мулоқот ўрната олиш •Эшитиш малакаси	• Тетиклик	
--	--	--

Педагог қўйидагиларга эътибор бериши зарур:

- Педагогик жараён иштирокчилари ўртасида тўғри услубдаги муносабатларга амал қилиш.
- Ўқишида қийинчиликлар содир бўлган талабаларни мақташ;
- Ижобий қайтувчан алоқани ушлаб туриш;
- Ўқув материални турли хил услублар билан тушунтириш тўғрисида қайғуриш.

Қўйидаги маслаҳатлар доимо муҳимдир:

- Талабаларни астойдил ўқишга ўргатиш, уларда тиришқоқликни, кучли иродани, мақсадга интилувчанликни тарбиялаш;
- Ниҳоятда қийин топшириқларнинг ҳал этилишини рағбатлантириш;
- Мақсад, вазифа, ҳисобот шакли, баҳолаш мезонини аниқ белгилашга ўргатиш;
- Бурч ва жавобгарлик ҳиссини шакллантириш;
- Энг аввало, ўзига талабчан бўлишга ўргатиш.

Агар одам мақсадни тушунмаса, уни олий фаолиятга ва гўзал орзуларга ундаш фойдасиз бўлиб қолади.

Қоида: Талаба нимани хоҳлаётганлиги ҳақида ўйланг, унинг истакларига таянинг, қизиқиши ва мойилликларини эътиборга олинг, ниятлардан фойдаланинг, хатти-ҳаракатлари оқибатини кўрсатинг, эътиборли бўлишга интилишни рағбатлантиринг, ғурурини тан олинг, муваффақиятларини қўллаб-қувватланг, вазиятлардан фойдаланинг, талабага

ўз ҳурмати ҳи сақлашга имконият беринг, нафсониятига тегманг, ютуқларини кўрсатинг, ўз шогирдларингизни шуҳрат қозонишига эришинг.

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ТАВСИЯЛАР

Инсон ташки кўриниши нималарни билдириши хусусида муайян қоидалар мавжуд. Уларни ўрганиш асосида яхши натижаларга эришиш мумкин. Масалан қовуштирилган қўллар рад жавобини англатади, деб ҳисобланади. Бироқ ҳамма вақт ҳам бундай эмас. Бу, албатта, рад жавобининг аломати бўлиши мумкин. Лекин у суҳбатдошнинг тортинчоқлиги ёки ўзига ишонмаслигини ҳам билдириши мумкин. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳар доим амал қиладиган мутлоқ қоида бўлмайди. Бироқ мунозара, сиз қатор белгиларга кўра, сиз суҳбатдошингиз нима ҳақида ўйлаётганини билиб олишингиз мумкин. Мазкур соҳа эксперти Сэми Маино ҳеч нарса тасодифий бўлмайди, деб ҳисоблайди. Ҳар бир хатти-ҳаракат ўз асосига эга бўлади.

Ёш педагогларга маслаҳатлар

Тарбия саънати-бу қадимги ва мураккаб соҳалардан биридир. Лекин фавқулотда оддий ва соддалик билан; ўқитувчини қандай бўлса ўшандоғлигича қабул қилиш ва яхши кўриши билан бошланади.

Агар дарс шунчаки иш эмас, муомала, дарс машғулотини эмас, санъат, дарс жадвалидаги соатлар эмас-ҳаёт деб қаралса, унда ўзингиздан тез-тез сўранг, дарсга нима учун бораяпман? Биз болаларнинг олдига бораяпмиз! Мақсад улар биздан кўра адолатли, яхши шафқатлироқ бўлсин, орқага тисарилмасдан, олға юриб, ҳар қандай боши бировнинг енгил турмушига ҳасад қилмасдан ҳар бир киши ўз тақдири билан яшасин, деб ўзингизга машаққатли ва ўткир саволлар беринг. Болаларга қандай фикр қолдирдингиз? Улар сиз учун одамларми ёки ўқувчиларми? Улар сизнинг сўзларингизни тинглаб нималар ҳақида ўйлашди? Балким ҳеч нарса ўйламасдан, ўзларини шунчаки эшитгандек қилиб кўрсатишгандир? Ёки дарсда билмаган нарса тўғрисида ўйлаганлар? Ҳар қандай ўқувчи икки дастур бўйича ўқийди.

Дастурни назарда тутинг ва ёритинг. Дарсга бориш-ким бўлишидан қайтий назар, ўқувчими ота-онасими, дўстларими, ёзувчими, асар қаҳрамоними-бу инсон қалбига йўл топиш демакдир.

“Ўқитувчи-ҳаёт одами!”—бир куни олий ўқув юртидаги талабадан шу гапни эшитдим. Ҳа шундай. Лекин “ҳаёт” сўзини жўнгина ўзига хос тарзда қайтариб бўлмайдиган, шу маънода бериб бўлмайдиган илғор тажриба қимматлидир. Замонавий ўқитувчининг мутахассис сифатидаги ахлоқи нимада? Ўзининг одатларига эга бўлган ҳолда ўзидаги шахсий одатларни тан олиш ва ҳурмат қилишдир. Ўзини ва қарашларини назарий баҳслар билан эмас, балки дарс билан тасдиқлаш керак. Ўз йўлингиз билан боришдан кўрқманг! Яхшиси қандай лозим бўлса, шундай ўргатганларидек бошланг ва секин-аста бошлаган ердан ўзингизнинг шахсий ижодий “мен”ингиз томон боринг. Маҳоратнинг бундан бошқа сирлари бўлмаса керак, у ўз шахсиятига қайтиш, ўз шахсиятини топишдир. Маҳорат етиши даркор! Ўз тажрибангиз салномасини гўёки дарснинг “ўн етти дақиқаси”ни ҳозирги ўзингиз билан тез-тез таққослаб туринг. Ўзингизнинг ҳар бир изоҳлаш керак эмас. Зеро ҳаёт-бу фақат бизнинг трамвай, кўча-куй, атрофдагилар билан мулоқатимизгина эмас. Ҳаёт бу-жамоа даласида, завод цехида, олимнинг ишхонасида, ёзувчи столида, рассом ижодхонасида содир бўладиган воқеалар ҳамдир. Ижодий изланиш бор ернинг ҳаммасида маъно кўрамиз, бинобарин маънавийликни ижод сифатида тушунамиз.

Ҳеч кимнинг қилиғига тақлид қилманг! Тақлид-бу давом этмоқ.. Тажрибали педагоглар дарсларни қандай олиб боришларини кузатинг ва ўз дарсингизда улардан ўрганинг. Бизнинг ишимизда, худди санъатдаги каби ютуғингизни, ҳозирги ўзингиз билан тез-тез таққослаб туринг. Ўзингизнинг ҳар бир ютуғингизни майли бошқалар илғамайдиган заррачасини ҳам ёзиб қўйинг. Ундан маълум қонуният топинг ва билингки: ўқитувчи бутун маҳоратини ёрқин намоён қиладиган дарс бўлмайди. Ҳар биримиз қилаётган ишимизга қараганда мукамалроқ, кучлироқмиз ва бу ҳали ишлатилмиган имкониятларимиздир. Аммо турли услублар **педагогга бўлган учта**

талабнинг шахсийлик, замонавийлик, артистликнинг бирлиги билан боғлиқдир.

Биздаги асосий нарсалар. Дарс яхши ўтмаса ўқитувчи ҳам ўқитувчи эмас. Ўқув муассасаларида уйига бориш учун дарсга қараганда кўпроқ тайёрланиш керак деган “ҳикматли сўзга ишонманг, агар ҳар бир дарсга эътибор ва илҳом билан яхшилаб тайёрланса, талабаларнинг уйларида боришнинг ҳожати йўқ”.

Педагогик касбининг хусусиятлари, унинг умумий ва касбий маданияти

Педагогик фаолияти жамиятдаги функциялари бўйича ва касбий сифат хусусиятларига қараб ҳамда психологик томонлари бўйича ёзувчи, артист ва олимлар томонига яқин. Педагог меҳнатининг хусусиятлари табиатнинг энг буюк инъоми бўлган инсонни ўқитиш ва тарбиялаш учун мўлжалланган:

1. Педагогнинг меҳнат фаолияти ўсиб келаётган ёшларнинг инсоний хусусиятларини шакллантиришдан иборат.

2. Педагог фаолиятидаги меҳнатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда меҳнат предмети бўлиб ҳазрати инсон ҳисобланади.

3. Педагогик меҳнат унга ҳар томонлама таъсир этувчи омилларни бошқарувчи шахсга бўлган таъсиридан иборат.

Бу меҳнатда талабага таъсир этувчи қурол бўлиб ўқитувчининг шахси-унинг билимлари, маҳорати, сезгирлиги ва эркинлиги ҳисобланади. Педагогик жараённинг мақсади, нафақат талабани тарбиялаш, ўқитишни ташкил қилишдан иборат бўлмай, унинг ўқитиш услубларини ва улардаги барча муносабатлар тизимини аниқлашдан иборат.

Педагогик меҳнатнинг буюк хусусияти шундан иборатки, унда меҳнат бошдан-оёқ инсонлар орасидаги ўзаро таъсир жараёнидан иборат. Унда предмет инсон, меҳнат қуроли инсон, меҳнат маҳсули ҳам инсон яъни педагогик меҳнатнинг мақсади, масаласи, ўқитиш ва тарбия услублари шахсий муносабатлар шаклида амалга оширилади. Педагогик меҳнатнинг бу хусусияти одоб, ахлоқ, ҳулқ қаби томонларнинг юқорилигини таъминлайди.

Педагогнинг фаолияти ҳар доим юқори баҳоланган. Қадимги юнон файласуфи **Афлотун** агар косиб ёмон уста бўлса, бундан давлат жуда катта нарса йўқотмайди - фақат халқ ёмонроқ кийинади, холос, аммо агар ёшлар тарбиячиси ўз вазифаларини ёмон бажарса, у ҳолда мамлакатда нодон, жоҳил, билимсиз ва аҳмоқлар тоифаси вужудга келади, деган.

XVII асрда яшаган илмий педагогиканинг асосчиларидан бири - **Ян Амос Коменский** «ўқитувчиларга қуёш остидаги энг юқори вазифа юклатилган», деган эди.

Маданият атамаси лотинча бўлиб, у тупроқни ишлаш маъносини берган бўлса, ҳозирги вақтда эса, умумий ҳолда инсон маданиятни жамиятни қайта қуриш фаолияти ва унинг натижасидир, деб тушунилади. Моддий ва руҳий маданият жамият ҳаёти тавсифининг катта қисмидан иборат. Инсоннинг ўзи эса йўлни ўзлаштириб, мазкур жамиятнинг ўзига хос бўлган бойликлари, анъаналари ва маданиятининг усуллари ҳамда кўникмаларини ўзлаштириш жараёнида шаклланади. Шундай қилиб, **инсон умум инсоний маданиятнинг вакили ва тақдим этувчисидан иборат.**

Фанда маданият моҳиятига уч хил қараш тушунилади: **аксиологик, фаолиятли ва шахсий.** Аксиологик қарашда педагогика ва тарбиядаги йўналишлар кўриб чиқилади. **Фаолиятли қараш** педагогик методлар ва воситалар моҳиятини амалга оширишни тадбиқ этиш имконини беради. **Индивидуал-шахсий** режада ўқитувчининг педагогик маданияти унинг касбий фаолиятидаги тавсифининг моҳиятидан иборат, деб тушунилади. Бундай қараш ўқитувчини умуминсоний маданият ва педагогик бойликларни, у орқали тарбия ва таълимнинг маданий бойликларини бир авлоддан иккинчи авлодга ташувчи вакили сифатидаги шахс, деб қараш имконини беради. Педагогик маданият умуминсоний каби, моддий ва маънавий шаклларда мавжуд бўлади. Педагогик билимлар, назариялар, концепциялар, инсоният ва буюк алломалар томонидан тўпланган педагогик тажриба ҳамда касбий-этикавий нормалар-меъёрларнинг барчаси педагогик

маданиятнинг маънавий-руҳий бойлигини ташкил этади. Педагогик маданиятнинг моддий бойлиги ўқитиш ва тарбия воситаларидир.

Ёш педагогнинг умумий маданияти унинг ижтимоий-аҳамиятли тавсифларининг касбий фаолиятда амалга ошгандаги етуқлигини ифодалайди. Маданият шахснинг ривожланиши, унинг руҳий кучлари ва қобилиятларининг амалий фаолиятида амалга ошиш даражаси ва ҳоказо. Инсоннинг маданий ривожланиши - бу унинг билимлари, ишончлари, қобилиятлари, ҳуққининг муҳит томонидан ривожланиш жараёнидир.

Ёш педагогнинг касбий маданияти унинг касбий фаолият доирасидаги, унинг шахсий сифати тавсифининг моҳияти-тизимли таълимидан иборат.

Ўқитувчининг педагогик маданияти ташкил топган кўрсаткичлар даражасига ва асосий тизимли компонентларига қуйидагилар киради:

А) интеллектуал ривожланиш даражаси (энг аввало, педагогик тафаккурнинг ривожланиши);

Б) педагогик фаолиятнинг ҳар томонлама ташкил топиши ва даражаси;

В) асосий касбий педагогик этика, маънавий характер ва одоб маданияти;

Г) ўзаро муносабат маданияти;

Д) сўзлашув маданияти;

Е) ташқи кўриниш маданияти ва бошқалар.

Педагогик фикрлаш маданиятига педагогик таҳлил ва синтез қобилиятининг ривожланиши, фикрлашдаги танқидий кураш, мустақиллик, кенглик, эпчиллик, фаоллик, тезлик, кузатувчанликнинг ривожланиши, педагогик хотира ва бошқалар киради.

Педагогик фикрлаш маданияти бўлган ўқитувчи тафаккури - дунёқарашининг уч босқичини ўз ичига олади: биринчиси методологик дунёқарашдаги педагогик ишончлар. Методологик тафаккур ўқитувчига ўзининг касбий фаолиятига тўғри қарай олишига, гуманистик стратегияни ишлаб чиқишига имкон яратади.

Педагогик тафаккурнинг иккинчи босқичи-тактикавий дунёқараш бўлиб, у ўқитувчига педагогик фикрлаш, педагогик жараённинг моддийлашувига имкон яратади.

Учинчи босқичи умумий педагогик қонуниятларни, реал педагогик фаолиятнинг улкан ходисаси бўлиб ҳисобланган бўлим-бўлимларга тадбиқ қилишда намоён бўлади. Бу тезкор фикрлашдир.

Бўлажак ўқитувчининг педагогик маданият тузилмасида унинг одоб-ахлоқ бўлими муҳим ўрин эгаллайди. Бу педагогик ишонч жараёнининг шаклланиши, натижаси ва ўқитувчининг ўз қизиқишларини кўпроқ аниқлаш жараёнидир. Ўқитувчи, касбий муҳитдан релоксин жараёнга, ўзининг тутган ўрнини янгилашга фаол кириб бориши зарур. Педагогик маданиятнинг касбий фаолиятига боғлиқ ташкил этувчиси педагог томонидан ўзининг педагогик қобилиятларининг барча спектрини билиб олганлигини характерлайди, бу эса педагогик фаолият муваффақиятининг нишонаси, педагогик хатоларнинг олдини олиш ва ниҳоят, педагогик қобилият усулларини эгалланганлигидан иборат. Маънавий маданият етук билимларнинг назарий даражаси ҳолатида шаклланувчи ахлоқий билимни ўз ичига олади. Бу касбий педагогик этикадан иборат.

Педагогик алоқа қилиш маданияти суҳбатдошни эшитиш ва эшита олишда, саволлар бера олишда, алоқани амалга ошириб бошқани тушуна олишда, мулоқотнинг қийин ҳолатларини кўра олиш ва одамлардаги таъсир ҳолатини тўғри таҳлил қила билишда, мулоқотга тайёрланиш ва мулоқотга бўлган хоҳишларда кўринади.

Педагог учун энг зарури нутқ маданиятини эгаллашдир. Ўқитувчининг нутқи кундан-кунга ўқувчилар учун ибратли бўлиб бориб, уларнинг нутқ маданиятини шакллантиришга ёрдам бериши керак. Нутқнинг грамматик тўғрилиги, унинг лексик бойлиги, яхши ифодаланганлиги, образлилиги, нутқ техникасини эгаллаганлиги ўқитувчининг турли хил касбий масалаларни сифатли ечишига имкон беради.

Педагогнинг ташқи кўриниш маданияти, унинг ташқи кўринишга мослик даражаси ва педагогик фаолияти билан баҳоланади. Кенг фикрлилик, тартибли, одобли босиқлик ва ўзини - ўзи яхши бошқара олиш кабилар педагогик фаолиятнинг муваффақиятли бўлишига олиб келади.

Педагогнинг функциялари ва билиш қобилияти

Педагогик функция - педагогга касбий билимлар ва билимдонликдан фойдаланишга рухсат берилган йўналиш. Албатта, педагогик ҳаракатлар йўналтириладиган йўналишлар - бу ўқитиш, билим бериш, тарбиялаш ва ўқувчиларнинг кўникмаларини ташкил қилиш ва ривожлантиришдан иборат. Умуман олганда, ўқитувчининг асосий функцияси - ўқитиш, тарбиялаш, ташкил қилиш ва ривожлантириш жараёнини бошқаришдан иборат.

Сукрот педагогларни “Фикрлар дояси” деб атаган эди. Педагогнинг маҳорати шунда кўринадики, у аввало ўқув жараёнини шундай ташкил қиладики, энг қийин шароитларда ҳам талабаларнинг ривожланиши, билимларга эга бўлишига эришади. Ҳақиқий ўқитувчи ҳар бир талабани билади, руҳиятини тушунади, унинг онгига йўл топа олади, фикр уйғотиб, уни тўлқинлантиради.

Ўқитувчи ўргатувчи эмас, билимни эгаллашга ўргатувчи, тарбияловчи эмас-тарбия жараёнини бошқаришга йўналтирувчидир.

Ўқитувчининг бошқариш функциясини аниқлаштириш мақсадида «Педагогик лойиҳа», деб аталувчи тушунчадан фойдаланиб, у орқали ҳар қандай мўлжалланган иш ва уни охирига етказиш тушунилади: дарс, дарс соати, мавзунини ёки унинг бўлимини ўрганиш, олимпиада ёки мактаб байрами ва бошқалар. Мазкур ишларни педагог бошқариши зарур, агар у қанча нозиклик, ўйлаб ва ақл-билан бошқарилса, натижада шунча кам вақт сарфланади ва шунча кўп самарадорликка эришилади.

Педагогнинг биринчи функцияси проект-лойиҳалашнинг бошланиш босқичида пайдо бўлувчи - мақсадни тахминлашдан иборат. Маълумки, **мақсад педагогик фаолиятнинг таянч омилидан иборат** ва у идеал ҳолатда **ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳаракатини умумий натижага**

йўналтиради; бошқарув жараёнининг моҳияти ҳам шундан иборатки, унда барчанинг мақсадлари бирлашувга йўналтирилган. Ўргатиш жараёнини бошқариш, аввало, ўқувчиларнинг билимига, уларнинг тайёргарлик даражаси, имкониятлари, тарбияланганлиги, ривожланганлигига асосланади. Бунга **диагностикалаш** (грекча diagnosis-билиб олиш) дейилади. Аудиториядагиларнинг жисмоний ва психологик ривожланганлиги, ақлий ва руҳий тарбияланганлиги мактаб ва оиладаги тарбияланганлик даражасини билмасдан туриб, тўғри мақсад қўйиш ва унга эришиш воситаларини амалга ошириш мумкин эмас. У эса педагогик ҳолатни педагог томонидан олдиндан яхши таҳлил қилишни билиш зарурлигини кўрсатади.

Диагностикалаш билан бир қаторда прогноз қилиш олдиндан айтиб бериш (грекча prognosis-олдиндан кўриш, pro- олдиндан + gnosis-билиш) мавжуд. Бу ҳолат ўқитувчидан ўз фаолиятининг натижасини кўра билиши орқали ифодаланади (2-жадвал).

Тайёрланиш	Б О П	Мақсад	Б О П	Мақсадлаш
		Ташхис		
		Олдиндан		
		Айтиш		Лойихалаш
		Лойиха		
Амалга ошириш	К А	Режа	К А	Режалаш
		Ахборот		Ахборотлаш
		Ташкил		
		Этиш		
		Баҳолаш		Ташкиллаш

Яқунловчи	И И	Назорат	Р И И	Баҳолаш
		Тўғрилаш		Назоратловчи
		Натижа		Тўғриловчи Тахминлаш

2-жадвал

Лойиҳа Фаолият босқичлари натижалари
Функциялар

Натижада педагог фаолиятининг стратегияси аниқланади ва кутилган миқдор ва сифатда педагогик хулосага эришиш бўйича баҳолашга имкон яратади. У ўқитувчининг билимдонлиги ва ўз фаолиятини аниқ шароитларда кўра олиши асосида ўз фаолиятининг стратегиясини аниқлаш ва педагогик маҳсулотнинг берилган миқдорда ва сифатда олиш имкониятини баҳолай олишда фойдаланилади.

Ҳар бир педагогик режанинг охирида ўқитувчи аналитик таҳлил ўтказди ва дарсларни барча фойдали ва камчиликли ҳолатларини таҳлил қилиб, янги ишларни янада яхшироқ бажариш йўллари қидиради. Шундай қилиб, ўқитувчиликнинг кўп қиррали функцияси (яхши артист, аналитик-таҳлилчи, илмий изланиш олиб боровчи ходим) ва бошқалар каби мураккабдир.

Ўқитувчининг юрагидан чикувчи иссиқ нурлар билан планетамиздаги барча инсоният иситилган. Бу дунёнинг барча илиқликлари: ҳақиқатлар, ҳикматлар, яхшиликлар, биродарлик, тинчлик ундан узлуксиз тарқалиб туради.

Шуни эсда тутиш зарурки, ўқитувчи амалий фаолиятининг деярли ярми рационал технология асосига қурилган. Унинг иккинчи ярми-соатдан иборат. Шунинг учун педагогга қўйиладиган биринчи талаб-қўйидаги педагогик қобилиятларнинг борлиги:

Педагогик билишга ўқитувчининг барча ҳаракатларининг мажмуига караб, улар унинг педагогик фаолиятига боғлиқ бўлган, хусусиятларидан ва унинг касбий фанлардан билимдонлигидан келиб чиқади.

Педагогнинг билиш қобилияти:

- 1) ўқитувчига хос бўлган билимларни ўқитиш ва тарбия усуллари янги педагогик шароитда ҳам ўткази олиш;
- 2) ҳар бир педагогик ҳолат учун янги ечимларни топа олиш;
- 3) аниқ педагогик вазиятларда янги педагогик ечимларни ва идеалларни таклиф эти олиш ҳамда янгисини ечиш усуллари топа олиш;

Педагогик фаолият стили - услуби

Ўқитувчининг педагогик фаолияти ҳар бир бошқа фаолият каби ўзининг аниқ услубига эга бўлади. Фаолият услуби - тўла маънода усуллар, ҳолатлар, шаклларнинг турғун тизимидан иборат бўлиб, у ҳар хил шароитларда ҳам мавжуд бўлади. У фаолият тузилишига боғлиқ бўлиб, унинг-субъектнинг шахсий-психолог хусусиятига боғлиқ.

Педагогнинг касбий потенциали

Педагогнинг чегараланган сифати аҳамиятли бўлмасдан, уларнинг мажмуи, тўла тизими аҳамиятга эга бўлади. Ўқитувчи маҳоратининг тизими, характери, янги интеграллашган тушунчаси - **педагогнинг касбий потенциалида** (ПКП) ўз аксини топади. Бундай таърифнинг аҳамиятли томони шундан иборатки, у ўзига кўплаб турли режали ва турли даражали ўқитувчининг тайёргарлик ва фаолият аспектларини бирлаштиради.

Касбий потенциал (лотинча *potencia*-умумлашган қобилият, имконият) ўқитувчининг асосий характеристикасидан иборат. У табиий ва қабул қилинган-ортирилган сифатларнинг тизимли мажмуи бўлиб, у берилган ҳолатдаги ўз вазифаларини бажара олиш имкониятидан иборат.

Касбий потенциал касбий билимлар ва қобилиятларнинг асоси бўлиб, педагогнинг фаол фикрлаш, яратиш, ҳаракат қилиш, ўзининг мўлжалларини ҳаётга татбиқ этиб, режалаштирилган натижаларга эриша олиш қобилиятидан иборат.

Касбий потенциални табиий ва касбий тайёргарлик жараёнида тўпланган сифатларнинг тизими сифатида қараш мумкин:

$$\text{ПКП} = \text{Ппдк} + \text{ПпкБ} + \text{Пмткп} + \text{Пафп}$$

Бу ерда Ппдк-шахснинг туғма қобилиятларидан ташкил топган **потенциалнинг доимий (ўзгармас) қисми**;

ПпкБ-педагогнинг амалий ва касбий фаолияти ҳисобига қабул қилинадиган потенциалнинг қисман ўзгарувчан қисми.

Пмткп-Олий ўқув юртидаги **махсус** тайёргарлиги ҳисобига қўшиладиган потенциал қисми.

Пафп-педагогнинг **амалий фаолиятида** қабул қилинаётган **потенциал** қисми.

ПКП ўқитувчилар ва уларнинг касбий фаолиятларидаги катта йўналишларини ўз ичига олган тизим қисмларидан иборат. Педагогнинг касбий потенциал муаммоси билан ишлайдиганлар учун уларни қуйидаги илмий йўналишларга ажратиш мумкин .

«Касбий потенциал» тушунчасининг умумий структураси - тузилиши етарли даражада мураккаб ва кўп қисмлардан иборат. Бир томондан, ПКП ўзида педагогик фаолиятга ва фаолиятнинг ҳақиқий ҳолатига мойиллигини ўзида акс эттирувчи нисбатни ўз ичига олади. Бундай қарашда қабул қилинган ва табиий қобилиятларнинг касбий фаолиятлар ўрнига урғу берилади. Иккинчи томондан, ПКП педагогнинг касбий фаолиятга муносабатини ифодалайди. Бу шуни кўрсатадики, фақат мавжуд маҳоратнинг ўзи касбий фаолиятга етарли эмас. Учинчидан, ПКП ўз меҳнاتини касбий ихтисослик талаби даражасида бўлишни талаб этади. Ниҳоят, тўртинчидан, ПКП-бу қабул қилинган сифатларнинг концентрациясидан яъни билимлар,

маҳоратлар, кўникмалар, фикрлаш усуллари ва фаолиятнинг тайёргарлик жараёнида қабул қилинган сифатлардан иборат.

ПКП нинг энг яқин **умумий тушунчаси педагогнинг касбий билимдонлигидир**. Касбий билимдонлик бу фикрлашни билиш ва касбий билимдонлик билан ҳаракат қилишдан иборат.

3-жадвал.

Педагог касбий потенциалининг тузилиши			
Касбий Тайёрг ар-лик	Педагог Ижодиё ти	Педаг огнинг касбий маҳорати	Педаг огик маҳор ат
Касбга йўналтириш	Педа гогик инте ллект	иннова цион фаолия т	Педао гик фикрл аш стили
Касбга йўналтирил- ганлик	Фаолия тнинг шахсий стили	Касб ий ўсиш	Мулоқ от маҳор ати
Меҳнатга Тайёргарл ик	Меҳнат га ижодий ёндашув	Касби й етукл ик	Ижтим ойй фаолли к

Касбга йўналт ириш мажмуи	Илмий ташаббуснинг ривожланиши.	Касб ий фаол лик	Метод ик Маҳор ат
------------------------------------	---------------------------------------	---------------------------	----------------------------

ПКП умумий тузилишининг ташкил этувчиларига интеллектуал, асосланган, коммуникатив, ижодий ва ўз касбий қобилиятлари киради.

Педагогнинг касбий потенциални идеал педагог билан ифодалаш маълум даражада осонлик туғдиради. **Идеал педагог**- профессионал педагогнинг бир кўриниши бўлиб, у энг юқори даражадаги фуқаролик, ишлаб чиқариш ва шахсий функцияларга эга бўлган шахс. Идеал педагог - бу тайёргарлик бўйича энг юқори солиштириш учун эталон. Педагогик потенциалнинг идеал педагог тушунчаси бўйича структураси (3-расм)дан кўриниб турибдики, педагогик сифат кетма-кетлиги жуда кўп бўлиб, уларнинг баъзилари замон талабига мувофиқ равишда ўзгариб туради.

Ёш ўқитувчининг педагогик фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар:

- Ўз фанини яхши билмаслиги.
- Моддий рағбатлантириш яхши эмаслиги.
- Ўқув-методик ва бошқа адабиётларнинг етишмаслиги.
- Меҳнат шароитидаги камчиликлар.
- Оилавий тўсқинликлар.
- Касбига қизиқмаслиги.
- Ўқувчиларнинг пассивлиги сабабли дарслар самарадорлигининг пастлиги.
- Ўқув хонасини жиҳозланмаслиги.
- Педагогик ва психологик билимлар етишмаслиги.
- Мактаб маъмуриятининг салбий таъсири.
- Етарли компетенцияга эга бўлмаган "консерватор" ўқитувчиларнинг салбий таъсири.

- Педагогик стажнинг камлиги.

2.2 Педагогларнинг инновацион фаолиятининг модели, унинг ривожланиш истикболлари.

XXI аср инсонлар орасидаги буюк муносабатлар ривожланган, яъни ўзларининг жисмоний ва маънавий кучларини ифодаловчи инсонийлик қарашлари ривожланган асрдир. Инсонпарварлик, тафаккурнинг ўрнатилиши ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги янги турдаги ўзаро муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Ёш ўқитувчининг инновацион фаолияти модели

Инновацион педагогик фаолиятнинг муҳим шарт, предметга йўналтирилган ўқув фаолиятини шахсга йўналтирилган ўқув фаолиятига айлантирилаётган шароитларда бўлажак ўқитувчини тайёрлаш моделини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Модел (Modele, лотинча modulus-ўлчов, намуна) инновацион педагогик фаолият модели тушунчаси асоси қилиб ўқитувчининг фаолияти жараёни схемасини тушунишини олинади.

Ушбу муаммо бўйича адабиётларни ўрганиш кўпчилик олимлар бўлажак мутахассисларни тайёрлаш модели деганда мутахассисларнинг моделини ва унинг фаолиятини ёки тайёрлаш моделини тушунишларини кўрсатади. Е.Э.Смирнов “Мутахассис моделини” ушбу касбда мавжуд бўлган шароитлар билан ифодаланадиган унинг фаолияти аналогига деб ҳисоблайди. Тадқиқотчилар шахсга йўналтирилган ёндашишда қуйидаги хусусиятларни ажратиб оладилар:

-Педагогик инновацияларнинг мақсадлари-педагогик жараённинг ҳамма субъектларини шахсий ривожлантириш. Инновацион жараёнда педагогнинг тутган ўрни ўзгариши керак. Ўқитувчи билимларини етказиб берувчи эмас, балки ўқувчи шахсинининг ташкил топиши ва ривожланишида ёрдамчи сифатида иштирок этади.

-Ўқув жараёнини ташкил этиш характери. Ўзлаштириш жараёни эскича ёдлаб олиш хусусиятларини йўқотиб, ўқув жараёни субъектларининг ўзаро алоқалари ва фикрлаш фаолиятларини турли шаклларида содир бўлади.

-Мустақил ўрганиш фаолиятини баҳолаш.

-Янги педагогик тажрибаларни ўзлаштириш.

-Таълимнинг ўзгараётган мазмуни ва мақсадларини мос равишда билимларни, малака ва кўникмаларни эгаллаш бўйича махсус ишлар.

Бундай муносабатларнинг характерли томонлари:

-таълим бериш ва тарбияда шахсга йўналтирилган йўлни амалга ошириш;

-аста-секин гуруҳли ўзаро алоқадан индивидуал алоқага ўтиш;

-ўқувчиларга қўйиладиган тўғридан-тўғри педагогик талаблардан маслаҳат, илтимос ва таклифларга ўта бориш;

-ўқувчилар билан бўладиган иш муносабатларнинг ҳис-туйғуга ўта бошлаши;

-коммуникатив иш фаолиятининг доимо назоратда бўлиши;

-ўқувчига унинг ривожланишидаги ёрдамни инсоний ва маданий муносабатларни тарбиялаш орқали вужудга келтириш.

Ҳозирги замон илмий-техник инқилоб босқичининг характерли хусусиятларидан бири жамият ҳаётининг барча жабҳаларини компьютерлаштиришдан иборатлиги касбий ва шу қаторда педагогик фаолиятнинг таркибини кескин ўзгартиришни келтириб чиқаради. Таълим тизими барча бўғинларининг ахборот технологияларидан фойдаланиши таълимнинг ахборотлашувида кундалик талабни келтириб чиқаради, бу эса, ўз навбатида, техника олий ўқув юртининг бўлажак касбий таълим ўқитувчисидан янги ахборотлар муҳитида бемалол ишлай олувчи кўникмаларни ўзлаштиришни талаб этади.

Умумлашган ҳолда ёш ўқитувчи салоҳиятини оширишида унинг шахсига қўйиладиган асосий талаблар: **касбий билимдонлик, зиёлилик, маънавий баркамоллик, ижодкорлик, маданиятлилик, қатъиятлилик, уддабуронлик.**

Ҳозирги даврда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кескин кучайганлиги учун ҳам ўқитувчига ва ҳам ўқувчига жуда катта ва турли-туман ахборот технологиялари билан ишлашга тўғри келганлигидан уларнинг асосийларини юксак билим ва ақл-идрок билан ажратиб олиш зарур. Шунинг учун ўқитувчилар меҳнати ва билимини ташкил қилиш учун қуйидагилар зарур:

1. Бўлажак педагогнинг биргина ахборот технологиялари муҳитида ишлашга тайёргарлигини ташкил этиш. Бу муаммони ахборот технологияларини билиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш маъносида қараш мумкин.

2. Педагогнинг фикрини жамлаш, вақтини тежаш ҳамда ўқитиш методикасини ташкил этишга имкон берувчи ягона ахборот тизимига яқинлаштириш.

3. Ахборот технологияларидан фойдаланиб таълим беришга тайёрланиш ва унга ўтиш. Бундай ўтиш ўқув курсларини ахборотли-компьютерли ҳолга ўтказишни кўзда тутди.

4. Бирлашган ахборот ҳажмидаги ўқув жараёнининг дастурий-методик таъминланишини тайёрлаш.

Шундай қилиб, университетнинг бўлажак педагоглари аниқ фанларни ўқитишда компьютердан фойдаланиш малакаларини ошириши ва билиши зарур.

Таълимдаги халқаро тенденцияларнинг, хусусан касбий педагогикадаги, таҳлили ўқитувчининг ҳам касбга оид ва ҳам шахсий сифатига нисбатан талабларнинг кескин ортишига олиб келмоқда:

А) таълим сифатининг ўқитувчи касбий билимдонлиги юқорилашиб бориши зарурлигини кўрсатади;

Б) ўқитувчиларга кўплаб илмий ва ижодий масалаларни қўйиш ва ечишларига тўғри келмоқда, бу эса ўқитувчининг илмий ва ижодий хусусиятлари ортиб боришига олиб келади. Шундай қилиб, келажак ўқитувчининг узлуксиз ижодий шахсга айланиши зарурлигини кўрсатади;

В) мураккаблашиб бораётган тарбия ўқитувчидан юқори даражадаги зиёлиликни ва рухий -маънавий хулқининг ортиб боришини талаб қилмоқда.

Г) XXI аср ўқитувчидан ўқитиш ва тарбиянинг илғор технологияларидан ва аждодларимиз битикларидан доимо фойдалана боришини талаб қилмоқда.

Маълумки, ёш педагогнинг моҳир педагог бўлиб ривожланишида буюк алломаларнинг фикрлари катта аҳамиятга эга:

Беруний таълим-тарбия соҳасида ўша замонларда, ҳатто ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган фикрларни илгари суради. У таълим бериш жараёнида таълим олувчини зериктирмаслик, билим беришда бир хил нарса ёки битта усулда ўргатавермаслик, узвийлик, изчиллик асосида, мавзуларни кизиқарли асослаб, кўргазмали баён этиш ва шунга ўхшаш нарсаларга эътибор бериш лозимлигини уқтирган.

Беруний таъкидлашича, инсон камолотида уч нарса муҳимдир, бу- ҳозирги маърифат, илм-фанни эътироф қилувчи-ирсият, ижтимоий муҳит ва тўғри тарбиядир. Яна у инсон камолга етиши учун энг муҳим омил- муаллимнинг илм-маърифатли бўлиши билан бирга юксак ахлоқли бўлиши ҳам кераклигини эътироф этади.

Ибн Сино бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини фалсафий, ижтимоий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаб, махсус рисоаларда талқин этган.

Ибн Сино инсон камолотининг бош мезони саналган маърифатни эгаллашга даъват этади. Илм-фаннинг табиат ва жамият қонуниятларини очиб, авлодларга етказишини эътироф этиб, бу мақсадга етишиш учун қийинчиликлардан қўрқмаслик зарурлигини таъкидлайди.

Таълим олувчиларга билим бериш ўқитувчиларнинг масъулиятли бурчидир. Ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритиб, шундай йўл-йўриқлар беради;

-болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;

-берилаётган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;

- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- талабаларнинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш.;
- фанга қизиқтира олиш;
- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиш;
- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғота олиш даражасида бўлишига эришиш зарур.

Мирзо Улуғбекнинг фикрича, болаларнинг билим олишни истамаслиги мударрисларнинг нодонлигидандир, чунки бундай тарбиячилар таълим усуллариини нотўғри қўллаш билан болаларнинг билимга қизиқишини сўндиради. Мударрис аввал ўзини тарбиялаши, билим ва малакаларини чуқур эгаллаши, ўз устида тинмай ишлаши, билимларини такомиллаштириб бориши лозимлигини эътироф этиб, бериладиган билимларнинг юқори савияда бўлишига эътибор беришга даъват этади.

Шунингдек, Улуғбек дарсликлар қанчалик мазмунли бўлмасин, таълимда ўқитувчи асосий ўринда туришини, у ўз педагогик маҳорати ва яхши фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўлиши, яхши тарбия кўрган, чуқур билимли ва маърифатпарвар инсон бўлиши кераклигини таъкидлайди. Улуғбекнинг ўзи Самарқанд мадрасаларида ана шундай фазилатли устоз сифатида фаолият кўрсатди.

Улуғбекнинг фикрича, боланинг билим олишга қизиқишини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўрин эгаллайди. Оилада ота-оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб етишишларига эътибор беришлари лозим, дейди.

Шу каби ибратли фикрлар ёш ўқитувчининг профессионал даражасида шаклланишига ёрдам беради.

Ёш мутахассис тажрибали новатор педагог сифатида ўз мавқеига эга бўлишида педагогик маҳорат асослари фанининг ютуқларига таяниши лозим.

ХУЛОСА.

Президентимиз И.А.Каримов "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида таъкидлаганларидек, "Ўқув жараёнида болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, таълим тарбия тизимини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши лозим". Ватанимиз ва жамият учун ижодий фикрлай оладиган, маданиятлар ва ўз соҳасини билимдони бўлган мутахассислар зарур. Айниқса, мутахассисдан ўз касбининг маҳоратли устози бўлиш талаб этилади.

Ёш педагог ўзининг қарашларини назарий баҳслар билан эмас, балки дарс билан тасдиқлаш керак, унда етук мутахассис бўлиши учун учта талаб - **шахсийлик, замонавийлик, артистликнинг** бирлиги билан боғлиқ фазилатлар шаклланиши лозим.

Ёш ўқитувчиларга касбий салоҳиятларини оширишларида қуйидаги тавсияларга амал қилишлари зарур. Ташкилий дақиқада ўқувчиларнинг тайёргарликларини синчиклаб кузатиш, дарс машғулотдан кўзланган мақсадни аниқ ва равшан қилиб ўқитириш билан бошланиши, агар дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, унинг мавзуси айтилиши, дарсда режада мўлжалланган материал ўтиб бўлингач, у албатта якунланиши зарур. Таълим тизимида ёш авлодга таълим бериш методларини таҳлил этишга баҳоли қудрат ҳаракат қилиниши керак.

Ҳақиқий ўқитувчи ҳар бир талабани билиши, руҳиятини тушуниши, унинг онгига йўл топа олиши, фикр уйғотиб, уни тўлқинлантириши даркор.

Узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг икки муҳим кўрсаткичи – сифат ва самарадорлик, айнан ўқитувчининг салоҳияти ва касбий маҳоратига узвий боғлиқ. Унинг касбий талабномаси (профессиограммаси) кун сайин кучаймоқда.

«Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир» деган шиор кун тартибига ўринли киритилган мустақиллик йилларида бу масаланинг ечими ўқитувчи ва тарбиячи шахсига мустаҳкам алоқадор бўлиб

колди. Боиси, ўқитувчи тажриба ва малакасининг уйғунлиги муваффақиятлар гарови эканлиги сир эмас. Ўқитувчининг ижодкор ва ташаббускор бўлиши лозимлигини буюк немис педагоги А.Ф.Дистервергнинг фикри ҳам тасдиқлайди:

«Ноқобил ўқитувчи ҳақиқатни шунчаки айтади-қўяди, яхшиси эса уни топишга ўргатади.

Таълим тизимини инсонпарварлаштириш (гуманизациялаш) муаммосини кун тартибига қўйган бугунги кунда ўқитувчи шахсининг инсонпарварлик жиҳати олдинги ўринга чиқди.

Кадрлар тайёрлашнинг муаммосининг самарали ечими, биринчи навбатда, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган психология, педагогика, иқтисодиёт, экология, маданият, ҳуқуқшунослик ва шунга ўхшаш бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур биладиган профессионал малакага, ҳар томонлама билимга эга бўлган ўқитувчи кадрлар тайёрланиши билан боғлиқдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида таъкидлаб ўтганидек, «Домлалар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устида ишламаса, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларига илмий сафарларга бориб келмаса, тажриба алмаштирилмаса, албатта бундай аҳвол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир кўрсатади».

Олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи замонавий педагогик технологиялар, таълим-тарбия жараёнини фаоллаштириш усуллари ва ўқитиладиган фанлар бўйича сифатли билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилишни таъминловчи педагогик усулларни қўллай олиши лозим. У замонавий педагогик технологияларнинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини ўрганиб чиқиб, улар ҳақида илмий асосланган маълумотлар, амалий йўлланмалар ишлаб чиқиши, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ўзлаштирганидан сўнг, уни таълим тизимига жорий эта олиши керак. Бизнинг назаримизда замонавий ўқитувчи қиёфасида қуйидаги фазилатлар намоён бўла олиши керак.

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бериб бориши лозим.

2. Замонавий ўқитувчи илм – фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахасислиги бўйича чуқур, пухта билишга эга бўлиши, ўз устида тинмай изланиши лозим.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухла билиши, таълим тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият ташкил этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва воситалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

6. Ўқитувчи ижодкор ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши шарт.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи коммуникативлик лаёқатига, эга бўлиши педагогик техника (нутқ, юз, қўл – оёқ ва гавда ҳаракатлари мимика, жест, понтамимика) қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олишга эришиши лозим.

8. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши, унинг нутқи қуйидаги хусусиятларни ўзида акс этира олиши керак.

а) нутқнинг тўғрилиги

б) нутқнинг аниқлиги

в) нутқнинг ифодавийлиги

г) нутқнинг софлиги (унинг турли шева сўэларида ҳоли бўлиб, фақат адабий тилда ифода этилиши) жаргон (муайян касбёки соҳа мутахасисликка ҳос сўзлар) ворваризм(муайян миллат тилида баён этилган нутқда ўзга миллатларга ҳос сўзларга ўринсиз қўлланилиши), вульгаризм (ҳақорат қилиш сўқишда қолланиладиган сўзлар) ҳамда комциляризм (ўрни бўлмаган вазиятларда расмий нутқларда) сўзлардан ҳоли бўлиши, ўқитувчи нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши керак.

д) нутқнинг равонлиги.

ж) нутқнинг бойлиги(сўзлар, мақоллар, маталлар ҳамда кўчирма гаплардан фойдалана олиш)

9. Ўқитувчи кийиниш маданиятига (содда, озода, бежирим, кийиниши) таълим тарбия жараёнида ўқитувчининг турли хил диққатни тез жалб этувчи безаклар (олтин, кумуш тақинчоқлардан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавд тузилиши, юз қиёфаси, хатто соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишини ўзлаштиришга эришиш) эга бўлиши.

10. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.” Ўзбекистон “ 1992й
- 2 Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.”Шарқ” 1997й
- 3 И.А.Каримов. Илму маърифат зиёси ҳеч қачон сўнмайди. “ Халқ сўзи “ газетаси 2006й 3 ноябрь 215 – сон .
- 4 И.А.Каримов.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.”Шарқ” 1999й
- 5 И.А.Каримов.Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби.5 жилд. . ” Ўзбекистон “ Т, 1997й.
- 6 И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида. ” Ўзбекистон “ Т. 1997й
- 7 И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. ” Ўзбекистон “ Т. 1997й
- 8 И.А.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. 1998й.
- 9 И.А.Каримов.Буюк келажак сари. Т. 1998й.
- 10 И.А.Каримов. “Умид нихоллари” маърузаси “Халқ сўзи “ газетаси Т. 2006й.
- 11 И.А.Каримов.”Юксак манавият енгилмас куч” Ўзбекистон. 2008й.
- 12 И.А.Каримов.”Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида”Ўзбекистон 2011й
- 13 Н.Н.Азизхўжаева Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.2007й.
- 14 С.Борамов “Педагогика” Т. “Ўқитувчи “ 1990й
- 15 А.Боскамов “Педагогик технология” 2007й
- 16 АбдужаббароваТ.Бошланғич таълим ўқитувчисининг профессиограммаси. //Халқ таълими, 2004. 4-сон. 67-69- бетлар.
- 17 Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. –Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1968. – 486 б.
- 18 Авлоний . Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 16 б.
- 19 Авлоний А. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
- 20 Авлиёқулов А. Модул тизими ва педагогик технология. Маърузалар матни. 2000.
- 21 Азизхўжаева А. Педагогик технология ва маҳорат. Тошкент: ТДПИ, 2003.
22. **Алиев А. «Педагогик маданият: метод ва маҳорат қирралари. //Халқ таълими, 1992. 4-сон, 10-12-бетлар.**
- 23.Аминова Ф. Мулоқот матни яратиш кўникмаларини шакллантириш. Тошкент: Фан, 2006.
23. Б.Зиёмухамедов, Ш.Абдуллаева “ Илғор педагогик технология” Т. 2001й.
24. Е.Н.Ильин “ Искусство общения “ Л. 1998й
25. Г.М.Карсанариева “Педагогика” 2006й
26. А.Минавваров. “Педагогика” (ўқув қўлланма) Т. “Ўқитувчи “ 1995й
27. Л.Мавлонова “Ўқитувчи “ 2005й
28. У.Нишоналиев ,Ғ.Турсунов “Педагогика курси” Т. 1996й

29. М. Очилов Янги педагогик технологиялар. Т. 2004й
30. В. Опоев Введение в общую дидактику. Л.Высшая школа 1990й
31. Осовы педагогического мстерства 1986й
32. Педагогик таълим Т. ТДПУ 2007й
33. Л.Столерского “ Педагогическая психология “ Ростов на Дону 2000й
34. В. А. Сухомлинский “ Болаларга жоним фидо” Т. 1980й
35. И .Хорлимов “ Педагогик технология “Высшая школа 1998й
36. W.W.W. ZIYO. UZ.
37. W.W.W.bilimdon.uz.
38. W.W.W. Study.uz

***Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг қонунлари, қарорлари ва фармойишлари, шунингдек
халқаро ташкилотларнинг муҳим ҳужжатлари***

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (Янги таҳрирда) ги Қонуни. Тошкент: Адолат, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 1997 йил 29 август. / «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». – Т.: «Шарқ», 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ги Қонуни.1997 йил 29 август. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ, 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони. 1997 йил 6 октябрь. // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ, 1998.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ги Конституциявий Қонуни. 2002 йил 12 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2002 йил декабрь.12-сон. (1320)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» ги қарори. 2006 йил 25 август. // Халқ сўзи. 2006 йил 26 август.

Мавзуга оид асосий тушунчаларнинг луғавий маъноси.

Ахлоқ – кишиларнинг бир-бирига, оилага, Ватанга, жамиятга муносабатларида намоён бўладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндисидир. Ахлоқ ҳар бир кишининг хулқини, ички дунёсини кўрсатади. Ахлоққа миллий урф-одатлар, анъаналар таъсир қилади. Баъзи миллат кишилари ўртасидаги муносабатларда оддий ҳол деб қараладиган хатти-ҳаракатлар бошқа миллатлар ахлоқ қоидаларида рад этилиши мумкин. Ахлоқнинг юксак даражада бўлиши жамиятнинг ривожига бевосита таъсир қилади ёки аксинча. Ахлоқ- ахлоқ нормалари билан тартибга солинади, улар ҳуқуқий нормалардан фарқ қилиб, мажбурий характерга эга эмас.

Ватан – (арабча “ватан” – она юрт) кишиларнинг яшаб турган, уларнинг аجدод ва авлодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган замин, ўлкадир. Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтмайди халқимиз. Тили, эътиқоди, урф-одатлари ва миллий сифатлари бир бўлган авлодлар яшаган ва яшаётган жўғрофий муҳит Ватанни ифода этади.

Ватан – инсоннинг ўз уйи-рўзғори, яшаб турган диёри маъносида тушунилиб, у кенг ва тор маънода ҳам қўлланилади. Бирор халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аجدодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир.

Ватанпарварлик – бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш. Ватан равнақиға ҳар бир фуқаронинг ўз ҳиссасини қўшишға эришиши.

Ватанпарварлик – бу халқимизға, унинг анъаналарига, тилимиз ва маданиятимизға муҳаббат ва ҳурмат билан қараш ҳамда ривожлантиришға ҳисса қўшиш, юртимизнинг ҳақиқий жонкуяри бўлиш.

Ватанпарварлик- Одамларнинг мамлакатига бўлган муносабати ва ҳаракати билан Ватан манфаатига хизмат қилиш ва душмандан ҳимоя қилишға интилишини намоёиш этувчи ижтимоий ва ахлоқий тамойил.

Ўзбекистондаги ватанпарварлик - кўп миллатли Ватанга муҳаббат ва садокатни ифодаловчи ватанпарварликдир. Ватанпарварлик тушунчасида Ватанга ва мустақиллик ютуқларига муҳаббат, кардош халқларга дўстона муносабат, Ватаннинг гуллаб яшнаши йўлидаги ижтимоий фаоллик, уни ҳимоя қилиш, миллий худбинлик ва такаббурликка ҳилофлик ва байналмилаллик хислатлари мужассамдир. Ватанпарварликни шакллантирувчи муҳим омиллардан бири - Қуролли Кучларнинг жанговар қудратини мустаҳкамлаш ва шахсий таркибнинг уюшқоклигига йўналтирилган - ватанпарварлик руҳидаги тарбиядир.

Иймон—Дунёвий давлатда қонун устуворлигини тан оладиган, юрт фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган, ҳар бир кишига яхшиликни раво кўрадиган, меҳнатсевар, камтар, ориятли, андишали, инсофли, виждонли одам иймон-эътиқодли инсон саналади.

Илм-инсон камолотида илм эгаллаш улкан фазилатлардан бири ҳисобланади. Чунки киши илм билан шарафга эришади. Қуръони каримда илмли билан илмсиз баробар эмаслиги кўрсатилган. Яъни бир оятда “Аллоҳдан фақат илмли кишиларгина қўрқадилар” дейилади.

Инсонпарварлик – одамзод қадри, эркинлик ва қобилиятларининг ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, кишиларнинг бахт – саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли ҳаётини таъмин этишга интилишини ифодаладиган ғоя ва қарашлар тизими.

Инсонпарварлик, кенг фикрни қамраб олиб, адабиёт, фалсафа, санъат ва бошқа соҳаларда намоён бўлди ва “гуманизм” номи билан ривожланди. Бугун инсонпарварлик ғоялари ҳуқуқий демократик давлатларнинг барчасида ҳаёт қондасига айланиб бормоқда.

Жадидчилик – (арабча “жадид”-янги)-янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи. XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида туркий халқлар орасида юзага келган маърифат учун курашган, ўқиш-ўқитиш

ишларини ислоҳ қилишга, диний мактабларнинг дастурига айрим дунёвий фанларни киритишга, шунингдек, янгиликни тарғиб қилишга интилан сиёсий оқим.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари: Туркиёни ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофотлардан озод қилиш, “Усули қадим”ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий мутараққий йўлга олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақоми бериш, миллий пул бирлиги ва миллий қўшин тузиш.

Жадидчиликка Туркистонда Мунаввар Қори, Бехбудий ва бошқалар етакчилик қилишган.

Комиллик. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири. Комил инсон ғояси ва уни амалга оширишга бўлган интилишлар инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади.

Тарихга назар ташласак, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий кўрсаткичи инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт – саодатга, гуманистик ғояларга муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади. Яъни жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комиллик мезони инсонни, шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни бахтли, саодатли қилишдан иборат бўлиб келган.

Инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир. Шу маънода, буюк юнон файласуфи Суқротнинг: “Ўзлигингни англа!”,-деган даъвати ҳам инсоннинг ўз насл-насабини, ҳаёт мазмунини, кишининг келажак авлодлар олдидаги масъулият ва мажбуриятини англашга қаратилган чақириқдир.

Комил инсон ғоясини миллий истиқлол ғоясидан ажратиб бўлмайди. Бошқача айтганда, комил инсоннинг моҳияти, аввало жамиятни баркамол қилиш йўлидаги саъи-ҳаракатларда намоён бўлади.

Ўзбекистонда комил инсонни тарбиялаш учун ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-ташкилий вазифалар давлат сиёсатининг энг муҳим ва

устувор йўналиши этиб белгиланган. Зеро, баркамол авлод келажак учун кайғурмаган халқ, миллат ва давлатнинг истиқболи бўлмайди.

Комил инсоннинг барча амалга оширган ишларининг пок эътиқод билан суғорилиши, Ҳаққа интилиши, ҳақиқатга, ёруғликка яқинроқ бўлиши, комил инсонларнинг яна алоҳида белгилари- ўта ростгўй, покиза, иймонли, билимли, ҳақиқатга интилувчи, саховатли, бардошли ва самимий бўладилар.

Маданият-(арабча “маданият”-мадиналик, шаҳарлик; таълим-тарбия кўрганлик)-кишиларнинг табиатни, борликни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва услублари мажмуи. “Маданият”сўзи мусулмонларнинг азиз тутадиган жойи-Мадина шаҳри номидан келиб чиққан, чунки илк мусулмонлар таълим-тарбияни асосан Мадинада олганлар. Маданият моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, ҳуқуқ, таълим, тарбия, ижод, илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи қабилар билан боғлиқ кенг қамровли воқеадир. Шунинг учун у жамият билан бирга ривожланади, жамиятнинг тараққиёт даражасини акс эттиради.

Жамиятдан ташқарида маданият йўқ. Маданият инсон фаолиятини маҳфсули, ҳам сифат кўрсаткичидир.Маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай шаклланади. Ҳар бир соҳада маданиятнинг ижодкори аввало халқдир.

Мафкура (арабча “мафкура” – нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи. У муайян ижтимоий гуруҳ, миллат, халқнинг мақсад ва муддаоларини ифода этадиган, уларни уюштириб, сафарбар қилиб, дунёқараш ва эътиқод асосларини шакллантирадиган ғоялар тизимидир.

Маърифат (арабча “аръафа”, билмоқ сўзидан) – тарбиявий, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг ва билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. Маърифат

одамларга билим бериш, кўникма ва малака ҳосил қилдириш демакдир. “Маърифат” тушунчаси “маънавият” ва “маданият” тушунчалари билан чамбарчас боғлангандир; маърифат тарихи жамият тарининг ажралмас қисмидир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг илм-маърифатга катта эътибор берилмоқда. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари кенг миқёсда фаолият кўрсатиб туриптилар. Ҳозирда болаларимизга янги типдаги лицей, гимназия ва мактабларда янгича таълим ва замонавий усулларда сабоқ берилмоқда.

Маънавият (арабча - маънолар мажмуи) — кишиларнинг фалсафий ҳукукий, илмий, бадий, ахлокий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Президент И.Каримов **“Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида унга шундай изоҳ беради: “Маънавият-инсонни рухан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.**

Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшишга ақл, идрок ва заковатини кенгайтириб, мустаҳкамлашга хизмат қилади. Маънавият ва маънавий бойликлар, қадриятлар, давлат, миллат, шахснинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаидир.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Маънавиятимизнинг қадимийлигини, мазмунан чуқурлиги ва ранг-баранглиги, бугунги кундаги салоҳияти чексиз эканини тўла равишда кўрсатмоқ учун «Авесто»дан бошлаб, Форобий, Навоий, Бобур, Фурқат, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон ва Авлоний орқали то ҳозирги кунгача бўлган яхлит манзараси яратилмоқда.

Мустақиллик айни пайтда маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ҳис-туйғулар, ғурурни, ватанпарварликни ўстириш ва

мустаҳкамлашга ҳам йўл очганини таъкидлаш зарур. Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти жамият аъзоларининг, ҳар бир шахс ва айниқса, ёшларнинг маънавий камолоти, истиқлол ғояларининг кишилар онига, кундалик ҳаётига чуқурроқ сингишига боғлиқдир.

Келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишда фаол қатнашаётган ҳар бир фуқаро ўз мамлакати, халқи, миллатининг ажралмас бўлаги эканини англаши - миллий маънавият ва онгнинг таркибий қисмидир.

Мафкура (арабча - фикрлар мажмуи) — муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

Инсоният тарихида турли-туман мафкуралар мавжуд бўлган. Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккир ва арбоблари, ўзларининг манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб, мафкуравий таълимот ва дастурлар ишлаб чиққанлар. Мафкуралар муайян диний, фалсафий таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. Мафкуралар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга асосланган мафкуралар ижтимоий-иқтисодий тараққиётга туртки бўла-ди, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкуралар бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади.

Вайронкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар эса жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади. Бундай

мафкуралар, ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳукмрон, мустабид, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик шаклларида намоён бўлади.

Миллий Менталитет (лотинча «mens» — ақл, идрок, зехн, фаҳм-фаросат) — миллатнинг тарихан шаклланган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, яшаш ва фикрлаш тарзи, муайян ижтимоий шароитларда камолга етган қобиляти ва руҳий қуввати. Бу тушунча миллатга хос анъаналар, расм-русмлар, урф-одатлар, диний эътиқодни ҳам ўз ичига олади. Ўз навбатида, у муайян миллатга мансуб кишининг турмуш тарзи, фикрлаши, дунёқарашили ҳам бир қадар белгилайди, гоҳида уни баҳолаш учун асос бўлади.

Миллий истиқлол мафкураси мамлакатимиз фуқароларининг асрлар давомида шаклланган маънавияти, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларидан озиқланади. Бу жараёнда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлий, динлараро бағрикенглик ғояларини юрдошларимиз онги ва қалбига жо қилиш уларда замонавий менталитет ҳосил бўлишининг асосий шартларидан биридир.

Миллий ғоя — миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли.

Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Ўз даврида (1941- 1945 йилларда) фашистлар босиб олган Францияда «қаршилиқ кўрсатиш» ғоясининг миллий ғоя даражасига кўтарилгани ва Франциянинг озод этилиши билан ўз аҳамиятини йўқотгани фикримизга далил бўла олади.

У ёки бу ғоянинг миллий ғоя сифатида майдонга чиқиши миллатнинг ўтмиши, мавжуд ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Зеро, ана шу икки негизга таянган ҳолдагина у миллатнинг қисқа ёки узоқ вақтда эришиши лозим бўлган мақсад-муддаолари ва мўлжалларини тўғри ифодалай олиши .

Мамлакатимизда маънавий тараққиёт умуминсонийликнинг устуворлиги ва миллий қадриятларга садоқат тамойилларининг уйғунлигига асосланадиган бўлди. Бунда Президент Ислон Каримов томонидан асослаб берилган миллий ривожланишнинг ўзимизга хос ва мос йўли — тараққиётнинг ўзбек моделини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий ғурур — халқни халқ, миллатни миллат қилиб кўрсатади. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли ўзбек халқининг миллий ғурур туйғуси жаҳон бўйлаб қад кўтарди. Жаҳон халқлари орасида Ўзбекистон тенглар ичра тенг бўлди. Эндиликда замини ҳосилдор, саховатли, меҳнаткаш, шон-шухрати юксак бўлган ўзбек халқини бутун дунё тан олди. Ўзбекистон фуқароларининг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати муқаддас саналиб, улар давлат томонидан ҳимояланмоқда.

Миллий ғоя — халқимизни, юртимиздаги барча сиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона, умумий мақсад атрофида бирлаштирувчи ва бир тану, бир жон қилувчи ижтимоий фикрлар мажмуи.

Бугунги кундаги бизнинг энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш. Миллий ғоя деган сўз фақат бир миллатга мансуб бўлиб қолмасдан,, мана шу табарруқ диёримиз — Ўзбекистон тупроғида яшаётган, уни ўз Она Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга бирдек дахлдордир.

Одоб — инсонни маънавий камолотга етакловчи жараёндир. Одоб болаликда шаклланади. Ёш улғайиши билан инсоннинг одоб даражаси кенгайиб боради. У киши фаолиятини белгиловчи жараён бўлиб, уни хатолардан сақлайди. Натижада кишининг хулқий гўзаллиги ортади.

Тарихий Хотира — инсон маънавиятининг ажралмас қисми, ўтмишни билиш, уни қадрлаш, ундан сабоқ олиш натижаси. Бу борада Президент Ислон Каримовнинг «Тарихий хотирасиз — келажак йўқ» номли асари катта аҳамиятга эга. Унда ўтмишга холис ёндашиш, уни қадрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади,

иродасини мустаҳкамлайди, уларни дилга жо этиб, бунёдкорлик ва яратиш йўлидан изчил боришга ундайди.

Тарихий хотира қанчалик бой, мазмунли бўлса, халқ шунчалик уюшган, ҳамжихат, улуғвор ишларни бажаришга қодир бўлади. Тарихий хотиранинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири ўз ўтмишидан фахрланиш туйғусидир.

Ғоя — инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр.

Инсон онгининг маҳсули сифатида ғоялар тушунча ва фикрлар ёрдамида ифода этилади. Аммо ҳар қандай фикр ва қараш ҳам ғоя бўла олмайди. Ғоялар, гарчи тафаккурда пайдо бўлсада, инсон ва жамият руҳиятига, ҳатто ғайри шуурий қатламларга ҳам сингиб боради. Ғоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Турли диний ақидалар, фалсафий таълимотлар, илмий қарашлар, бадиий асарларнинг негизида муайян ғоялар ётади. Ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг мақсадлари ҳам ғояларда акс этади. Ғоя комил инсонларнинг иймон-эътиқоди, дунёқараши ўзагини, ҳаёт мазмунини ташкил этади. Улар эзгу ғоя деб яшайдилар, бу йўлда ҳатто жон фидо қиладилар. Тарихда ўз жасорати, мардлиги ва қаҳрамонлиги билан из қолдирган буюк инсонлар, албатта, юксак ғоя соҳиблари бўлганлар. Ғоялар жуда қадимий тарихга эга. Маълум маънода инсоният тарихини ғоялар тарихи сифатида талқин қилиш мумкин.

Ғояларнинг турлари кўп. Фақат юксак жозоба кучига эга бўлган, ҳақиқатга яқин ғояларгина жамиятда кенг тарқалади.

ИЛОВАЛАР.

Мукаммал педагог			
Мутахассис	Ишчи-ходим	Инсон	
• Педагогик назарияни, қонуниятларни билиш • Таълим жараёнининг психологик хусусиятларини билиш • Таълим-тарбия технологияларини эгаллаш • Касбига ва соҳасига бўлган муҳаббат • Талабаларга бўлган муҳаббат ва ишонч • Педагогик маҳорат ва қобилиятга эга бўлиш • Умумий эрудиция • Оптимизм • Тез ва аниқ таъсир кўрсата олиш	• Аниқ мақсад қўйиш ва унга эришиш малакаси • Вақтни тақсимлай олиш малакаси • Меҳнат самарасини оширишга бўлган эҳтиёж • Ижод қила олиш қобилияти • Доимий равишда малака ошириш • Ишга, меҳнатга ва фаолиятга бўлган эҳтиёж • Жамоада ишлай олиш малакаси • Қатъиятл	• Юқори маънавий сифатларга эга бўлиш • Ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш • Фаол ҳаётий нуқтаи-назарга эга бўлиш • Ҳаммага ва ҳамма нарсада намуна бўлиш • Миллий ғурур • Соғлом турмуш тарзи • Инсонийлик ва инсонпарварлик • Диний эътиқод • Мулоқотга бўлган эҳтиёж • Самимийлик • Ўз ҳаракатларига	

• Эмоционал вазминлик, босиқлик • Ишбилармонлик • Нутқининг аниқ ва ишончли бўлиши • Талабчанлик • Ташкилий малакалар • Мулоқот ўрната олиш • Эшитиш малакаси	илик • Интизомл илик • Масъулия т • Фаоллик • Жавобгар лик • Тетиклик	объектив танқидий муносабатда бўлиш
--	---	--

Тайёрланиш	Б С П К А	Мақсад	Б О П Қ А	Мақсадлаш
		Ташҳис		
		Олдиндан		
		Айтиш		Лойиҳалаш
		Лойиҳа		
		Режа		
Амалга ошириш		Ахборот		Режалаш
		Ташкил		Ахборотлаш
		Этиш		
		Баҳолаш		Ташкиллаш

Якунловчи	И И И	Назорат	Р И И	Баҳолаш
		Тўғрилаш		Назоратловчи
		Натижа		Тўғриловчи Тахминлаш

Фаолият босқичлари натижалари

Педагог касбий потенциалининг тузилиши

Касбий Тайёрг ар-лик	Педагог Ижодиё ти	Педаг огнинг касбий маҳорати	Педаг огик маҳор ат
Касбга йўналтириш	Педа гогик инте ллект	иннова цион фаолия т	Педао гик фикрл аш стили
Касбга йўналтирил- ганлик	Фаолия тнинг шахсий	Касб ий ўсиш	Мулоқ от маҳор

СТИЛИ

ати

Меҳнатга
Тайёргарл
ик

Меҳнат
га ижодий
ёндашув

Касби
й
етукл
ик

Ижтим
оий
фаолли
к

Касбга
йўналт
ириш
мажмуи

Илмий
ташаббуснинг
ривожланиши.

Касб
ий
фаол
лик

Метод
ик
Маҳор
ат

М У Н Д А Р И Ж А.

КИРИШ.....

....

1-БОБ. ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ

АСОСЛАРИ.....

**1.1 Призидентимз И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод” Давлат
дастурида ўқитувчилар олдига қўйилган вазифалар.....**

**1.2 Ўқув жараёнида илғор педагогик тажрибаларни тадбиқ
этишнинг ўзига хос
хусусиятлари.....**

**2 БОБ. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГЛАРНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ, ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ.....**

**2.1 Педагогларнинг профессионал потенциалини
такомиллаштириш
масалалари.....**

**2.2 Педагогларнинг инновацион фаолиятининг модели, унинг
ривожланиш истиқболлари.....**

ХУЛОСА.....

..

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР
РЎЙХАТИ.....**

ИЛОВАЛАР.....

